

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК

ХЎЖАМОВА ЛАТОФАТ АСАДУЛЛАЕВНА

**“ЕР РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ
ХУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ”
(Қашқадарё вилояти мисолида)**

5A230202 – Иқтисодиёт (сув хўжалигида)
мутахассислиги бўйича магистр академик даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

И.ф.н., доцент Б.Султанов

Тошкент - 2014

МУНДАРИЖА

КИРИШ

I-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕР РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишда табиий-иқтисодий ҳудудий омилларнинг роли

1.2. Ихтисослашув ва мужассамлашув жараёнларининг ердан фойдаланиш самарадорлигига таъсири

II-БОБ. ҲУДУДДА ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

2.1. Ҳудудда ер фонди таркибидаги ўзгаришларнинг асосий йўналишлари

2.2. Қашқадарё ҳудудлари ер ресурсларининг сифат тавсифи ва унинг ердан фойдаланиш самарадорлигига таъсири

III-БОБ. МИНТАҚАДА ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш

3.2. Ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш истиқболлари

ХУЛОСА

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда ер ресурсларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари, хусусан, деҳқончиликнинг суғоришга асосланганлиги, суғориладиган ерларда деҳқончилик маҳсулотларининг 90 фоиздан кўпроғининг ишлаб чиқарилиши, сув ресурсларининг чекланганлиги, экологик вазиятнинг мураккаблиги, республикамиз демографик ривожланишининг ўзига хослиги ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини муттасил ошириб боришни тақозо этади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини табиий-иқтисодий ҳудудлар бўйича оқилона жойлаштириш маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва арзонлаштиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини оқилона жойлаштириш ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг ошишига олиб келади.

Экинларнинг ҳудудлар бўйича жойлаштирилиши алоҳида иқтисодий ҳудудлар бўйича ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви даражасини оширишга чуқурлашувига имкон яратади. Ишлаб чиқариш ихтисослашувининг чуқурлашуви эса тармоқда фан-техника тараққиёти натижаларини жорий этишга олиб келади. Ўз навбатида ихтисослашувнинг ривожланиши ишлаб чиқаришнинг ўсишувига ҳам сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатади.

Ушбу масалада Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек “Айни пайтда биз қишлоқ хўжалиги соҳасида биринчи навбатда тупроқ унумдорлигини ошириш чораларини кўриш, барча агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш, замонавий агротехнологияларни жорий қилиш, селекция ва уруғчиликни янада ривожлантириш, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш билан боғлиқ ҳали бери ишга солинмаган катта имкониятлар мавжудлигини ҳам эътироф этишимиз зарур”¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” рўзномаси.... январь, 2012 й.

Муҳтарам Президентимиз томонидан эътироф этилган ва юқорида қайд этилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда айтиш лозимки, кейинги йилларда республикамызда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш хўжалик субъектларидаги экинзорлар таркиби, уларнинг ихтисослашувига, табиий шароитига, тупроқ унумдорлигига, шунингдек маҳсулотларга бўлган талаб ва таклифнинг ўзгаришини ҳисобга олингани ҳолда ёндашилмоқда.

Аммо, ер ресурсларининг чекланганлиги ва сўнгги йилларда тупроқ унумдорлигининг пасайиб бориши мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Хусусан, Қашқадарё вилоятида 1992 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҳайдаладиган ва суғориладиган ерлар мос равишда 0,38 ва 0,24 гектарни ташкил этган бўлса, **2013 йилга** келиб бу кўрсаткичлар мувофиқ равишда 0,29 ва 0,18 гектаргача пасайди. Айни вақтда суғориладиган ерлар таркибида мелиоратив ҳолати ёмон ерлар улуши 1992 йилда 35,2 фоиздан **2013 йилда** 48,6 фоизгача ошди. Шу нуқтаи назардан, Қашқадарё вилояти ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, унга таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилиш, ер ресурсларидан фойдаланиш механизмини ҳудудий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга ва мазкур магистрлик диссертация иши мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Тадқиқот мавзусининг ўрганилганлик даражаси. Ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги, унга ҳудудий омилларнинг таъсири ҳамда ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари МДХ олимлари - Благовидов Н.Л., Борук А.Я, Коваленко Н.Я., Маракулин П.П., Попов Н.А., Розов Н.Н., Семенов Б.А., Соболев С.С., Харитонов Н.С., Шмелев Г.И. ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида аграр соҳада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишлари, жумладан, ер ресурсларидан фойдаланиш

самарадорлигини ошириш имкониятлари ва истиқболлари мамлакатимиз иқтисодчи-олимлари — Абдуғаниев А.А., Ваҳобов А.В., Жўраев А.М., Қаюмов Ф.К., Хусанов Р.Х., Ў.П.Умурзаков, Т.Фармонов, Н.Хушматов, А.Султанов, Б.Султанов ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган.

Юқорида номлари зикр этилган олимларнинг мазкур мавзуни ўрганишга қўшган ҳиссаларини эътироф этган ҳолда шунини таъкидлаш лозимки, иқтисодий адабиётларда, ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг ҳудудий хусусиятлари етарли даражада чуқур ўрганилмаган. Шу сабабли иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг ҳудудий омилларини ўрганиш, бу борадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва унинг истиқболларини белгилаш зарурияти мазкур тадқиқот иши мавзусининг танланишига асос бўлди.

Тадқиқот ишининг асосий мақсади иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Қашқадарё вилоятининг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун ишда қуйидаги вазифалар қўйилган:

- ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда табиий-иқтисодий омилларнинг ролига баҳо бериш;
- ихтисослашув ва мужассамлашув жараёнларининг ердан фойдаланиш самарадорлигига таъсирини иқтисодий жиҳатдан аниқлаш ва баҳолаш;
- иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида ердан фойдаланишнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш асосида ундан фойдаланишни яхшилаш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;
- Қашқадарё вилоятининг ички хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги экин майдонларини жойлаштириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар тайёрлаш.

Тадқиқотнинг объекти Қашқадарё вилояти ҳудудларида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритиш субъектлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, ердан фойдаланиш жараёнида қишлоқ хўжалик корхоналарида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг назарий-услубий асоси бўлиб аграр соҳани ислоҳ қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарларида илгари сурилган ғоялар, йирик иқтисодчи-олимлар томонидан яратилган илмий концепциялар ҳисобланади, шунингдек, тадқиқот давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан ҳам кенг фойдаланилди.

Тадқиқот жараёнида меъёрий, таққослаш, **гуруҳлаш, ҳисоб-конструктив** ва бошқа усуллар қўлланилди.

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

— ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишда табиий-иқтисодий омиллардан унумли фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрланган;

— ихтисослашув ва мужассамлашув жараёнларининг ердан фойдаланиш самарадорлигига таъсири асосланган ва ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ихтисослашув жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган;

—
—
—

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, илмий ишнинг асосий натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Вилоят ер ресурслари бошқармаси, илмий тадқиқот муассасаларида ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот юзасидан чоп этилган илмий ишлар. Диссертация мавзуси бўйича жами табоқ ҳажмда та, шу жумладан,илмий мақолалар чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва таркибий тузилиши. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ёритилган, шунингдек, изланиш натижаларини синаш тўғрисидаги маълумотлар ўрин олган.

“Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланишнинг табиий-иқтисодий ва ҳудудий омиллари” номли биринчи бобда ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишда табиий-иқтисодий омилларнинг ролига баҳо берилган, ихтисослашув ва мужассамлашув жараёнларининг ердан фойдаланиш самарадорлигига таъсирини асослаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

“Минтақада ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг ҳозирги ҳолати” деб номланган иккинчи бобда

.....
.....

“Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари” деб номланган учинчи бобда

.....
.....

Тадқиқотнинг **хулоса** қисмида диссертация ишида олиб борилган тадқиқотлар натижасида олинган илмий хулоса, амалий тавсия ва таклифлар умумлаштирилган.

I-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕР РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишда табиий-иқтисодий худудий омилларнинг роли

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар тизимида ер ислохотлари алоҳида аҳамиятга эга. Бу, энг аввало, ер ресурсларининг аграр ишлаб чиқаришда тутган ўрни ва роли билан белгиланади. Ер ҳар қандай давлат миллий бойлигининг муҳим манбаси ва моддий неъматлар ишлаб чиқаришнинг табиий асоси ҳисобланиб, жамият мавжудлигининг асосий шартидир.

Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида алоҳида ўрин тутadi. Ишлаб чиқариш соҳалари нуқтаи назаридан ернинг аҳамияти турлича. Саноатда у асосан корхона жойлашуви учун макон вазифасини бажарса, қишлоқ хўжалигида ернинг аҳамияти жуда салмоқли. Ер қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун маконгина бўлиб қолмай, балки бир пайтнинг ўзида ҳам меҳнат предмети ва воситаси, ҳам асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Инсонларнинг меҳнат куруллари воситасида ернинг юқори қатлами, яъни тупроққа ишлов бериш жараёни ерни қишлоқ хўжалигининг меҳнат предмети сифатида гавдалантиради. Тупроққа ишлов бериш жараёнида инсонлар унинг механик, табиий ва кимёвий хусусиятларидан фойдаланиш орқали унда экилган экинларнинг ўсишига ва ривожланишига керакли шарт-шароитларни таъминлаб берадилар. Бунда ер меҳнат воситаси сифатида қатнашади.

Шундан келиб чиққан ҳолда ер қишлоқ хўжалигида фаол ишлаб чиқариш воситасига айланади. У меҳнат жараёнининг зарурий моддий шарт-шароити, ишлаб чиқаришнинг энг муҳим омили сифатида майдонга чиқади. Ер қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқарилмайдиган ишлаб чиқариш

воситаси ҳисобланади. У қишлоқ хўжалигида алоҳида, ягона, оригинал ва алмаштириб бўлмайдиган ишлаб чиқариш воситасидир.

Ернинг бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фарқли бир катор хусусиятлари мавжуд бўлиб, бу хусусиятлар қишлоқ хўжалиги юритиш самарадорлигига сезиларли даражада таъсир кўрсатади:

– бошқа барча ишлаб чиқариш воситалари инсонлар меҳнати маҳсули ҳисобланса, ер табиат инъомидир. Бошқа асосий воситалардан фарқли ўлароқ, ер табиатнинг узок йиллик табиий-тарихий ривожланиши маҳсули ҳисобланади. Ерни ишлаб чиқаришга инсон меҳнати сарфланмаганлиги туфайли унинг қиймати мавжуд эмас. Шу сабабли ердан фойдаланиш жараёнида унга амортизация ажратмалари ажратилмайди ва у маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига таъсир кўрсатмайди;

– ерни бошқа ишлаб чиқариш воситалари сингари техник нуқтаи назардан мукамалроқ ишлаб чиқариш воситасига алмаштириб бўлмайди. Ер ресурслари бўлмаса, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиб бўлмайди. Масалан, кўплаб ишлаб чиқариш воситалари илмий-техника тараққиёти натижасида сезиларли даражада ўзгарган. Тупроқ юзасига ишлов берувчи ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланиши энг содда мотивалардан бошланиб ҳозирги замонавий плугларгача ўзгариб келган. Бошқа кўплаб ишлаб чиқариш воситалари доимий жой билан боғлиқ бўлмаса, ерни бир жойдан иккинчи жойга кўчириб бўлмайди. Ер ресурсларидан фақат у жойлашган жойда фойдаланиш мумкин, холос;

– ер ресурслари маконда чекланган ва унинг юзасини кенгайтириш имконияти йўқ. Алоҳида мамлакатлар доирасида ер ресурслари мамлакатларнинг чегаралари билан аниқланса, умуман планетамиз миқёсида унинг сатҳи қуруқлик юзаси билан чекланган. Дунё бўйича қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар жами қуруқлик майдонининг 10 фоиздан кўпроғини ташкил этади, холос;

– алоҳида ер участкалари ўз унумдорлигига кўра бир хил эмас. Баъзи ер участкалари озуқа моддаларининг кўплиги билан ажралиб турса,

бошқалари намлик билан яхшироқ таъминланган, яна бошқалари эса умуман ўзига хос тупроқ таркибига эга. Бунинг натижасида бир бирлик ер участкаси ҳисобига бир хил харажат ва меҳнат сарфланса ҳам олинадиган маҳсулот ҳажми турлича бўлади. Албатта, инсон меҳнатининг таъсирида бу тафовут қисқариши ёки аксинча, ошиши мумкин. Ерлардан нотўғри фойдаланиш пировард натижада бошқа барча ишлаб чиқариш омилларининг роли ва аҳамиятини йўққа чиқариши мумкин;

– ердан оқилона фойдаланилганда унинг сифати пасаймайди, балки мунтазам ошиб боради. Ернинг ушбу хусусияти унинг унумдорлиги билан белгиланади. Тупроқнинг унумдорлиги эса ерни ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги фаолиятининг асосий кўрсаткичларидан биридир, яъни тупроқ унумдорлиги ердан самарали фойдаланишни таъминловчи асосий омилдир.

Ернинг асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида юқорида қайд этилган барча хусусиятлари ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатади. Инсон тупроқ унумдорлигига фаол таъсир кўрсатиши мумкин. Бу таъсир даражаси ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш ҳолати, уларнинг қишлоқ хўжалигида технологик қўлланилишига (фан ва техника натижаларидан, ишлаб чиқаришнинг илғор технологиялари ва бошқарув усулларида фойдаланиш ва бошқаларга) боғлиқ.

Тупроқнинг унумдорлиги кенг қамровли тушунчадир. Унинг моҳияти тупроқнинг ўсимликларни бутун ўсиш ва ривожланиш даврида озуқа ва сувга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш қобилияти билан тавсифланади. Тупроқнинг унумдорлик ҳолати ўзгарувчандир. Шу сабабли ишлов берилган тупроқнинг унумдорлиги фақат унда озуқа моддалари, намликнинг мавжудлиги, таркибий ҳолати ёки бошқа табиий омилларгагина эмас, балки тупроққа ишлов бериш ва экинларни суғориш жараёнида (мелиоратив тадбирларни ўтказиш, органик ва минерал ўғитлар солиш ва ҳ.к.) сарфланадиган қўшимча харажатларга ҳам боғлиқ. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, унумдор тупроқлар табиий ва иқтисодий жараёнларнинг ўзаро таъсири натижаси ҳисобланади.

Инсон меҳнати тупроқ унумдорлигини шакллантирувчи асосий омил вазифасини бажаради. Тупроқдан қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиш жараёнида инсоннинг унга мунтазам ва ҳар томонлама таъсир кўрсатиши натижасида тупроқ нафақат табиий хусусиятларга эга бўлади, балки маълум маънода инсон меҳнати маҳсулига айланади.

Инсоннинг меҳнат фаолияти орқали тупроқ унумдорлигига фаол таъсири ҳосилдорлик, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини пасайтиришнинг асосини ташкил этади. Ушбу таъсир даражаси эса ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасига ва уларни амалга оширишда мавжуд бўлган объектив шарт-шароитларга боғлиқ.

Иқтисодий адабиётда тупроқнинг табиий, сунъий ва иқтисодий унумдорлиги ажратиб кўрсатилади. Тупроқнинг табиий унумдорлиги узок вақт давомида тупроқ таркибида шаклланиб боровчи жараёнлар натижасидир, яъни у тупроқнинг кимёвий, жисмоний, биологик ва бошқа хусусиятлари, иқлим шароити билан белгиланиб, тупроқда мавжуд табиий озуқа захирасида ўз аксини топади. Тупроқда мавжуд озуқа захираси миқдорида қараб ерларнинг унумдорлиги ҳам турлича бўлади. Натижада, ерларни нисбатан юқори ёки паст унумли гуруҳларга ажратиш мумкин. Тупроқнинг табиий унумдорлиги ерларнинг потенциал сифатини ифодалайди. Улардан амалиётда фойдаланиш даражаси агрономия, агрокимё, ерлар механизацияси ҳамда фан ва техниканинг бошқа натижалари билан белгиланади. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг энг муҳим вазифаларидан бири тупроқнинг табиий унумдорлигидан тўлиқ ва оқилона фойдаланишдан иборат.

Тупроқнинг сунъий унумдорлиги инсоннинг деҳқончилик маданиятини яхшилаш борасида олиб борган фаолияти ва қўшимча харажатлари натижасида шаклланади. Деҳқончилик юритиш амалиётида мазкур унумдорлик мелиоратив ва тупроқни муҳофазалаш ишлари, органик ва минерал ўғитлар киритиш ва бошқа тадбирлар олиб бориш орқали таъминланади. Натижада ишлов берилган тупроқнинг юқори унумдорлигига

эришилади. Ўз навбатида ушбу натижа ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади.

Тупроқнинг иқтисодий унумдорлиги табиий ва сунъий унумдорликлар ягоналигининг ифодасидир. Улар бир-бирлари билан ёнма-ён ёки алоҳида эмас, балки ўсимликларнинг озукаланиши ва ҳаётининг табиий ягона жараёнида мавжуд бўладилар, яъни, бир томондан, инсон меҳнати таъсирида табиий унумдорликда тегишли ўзгаришлар содир бўлади, иккинчи томондан, ердан узоқ муддатларда фаол фойдаланиш натижасида сунъий унумдорлик табиий унумдорлик билан чамбарчас боғланиб кетади. Шундай қилиб, ердан фойдаланиш жараёнида табиий ва сунъий унумдорлик ўртасидаги чегаралар аста-секинликда барҳам топиб, улар ягона, тугалланган кўринишга эга бўладилар.

Кўришиб турибдики, тупроқнинг иқтисодий унумдорлиги ернинг ишлаб чиқариш хусусиятларини тўлиқ ва ҳар томонлама акс эттиради. Ўз моҳиятига кўра у ернинг табиий унумдорлигини сақлаш, самарали фойдаланиш ва оширишни кўзда тутди. Дехқончилик юритиш тизимини такомиллаштириш ва кўшимча харажатлар киритиш натижасида ўсимликлар томонидан озукка моддаларини ўзлаштиришнинг ошишига фақатгина тупроқда уларнинг миқдорини кўпайтириш орқали эмас, балки тупроқ режимини оптималлаштириш ҳамда экинлар озукланиш унсурлари таркибининг яхшиланиши эвазига ҳам эришилади. Шундан келиб чиқиб, тупроқ сунъий унумдорлигининг оширилиши унинг табиий унумдорлигидан самаралироқ фойдаланишни таъминлаб беради. Бу эса, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва бирлигини ифодалайди.

Ернинг ишлаб чиқариш хусусияти сифатидаги тупроқ унумдорлиги ердан фақатгина қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланилгандагина гавдаланади, яъни унинг натижаси етиштирилган маҳсулотда ўз аксини топади. Ҳосилдорлик иқтисодий унумдорликнинг нисбатан объектив кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.

Тупроқнинг иқтисодий унумдорлигини таққослаш учун “унумдорлик даражаси” кўрсаткичида фойдаланилади. Ушбу кўрсаткич бир бирлик ер майдони ҳисобига тўғри келадиган етиштирилган деҳқончилик маҳсулоти (мутлақ унумдорлик) ҳажми ёки худди шундай маҳсулотни ер майдонларини сифатини ҳисобга олган ҳолда (нисбий унумдорлик) ишлаб чиқаришни ифодалайди. Қишлоқ хўжалиги амалиётида бир бирлик харажат ҳисобига олинadиган деҳқончилик маҳсулотларини ифодаловчи қўшимча кўрсаткичдан ҳам фойдаланилади. Лекин ушбу кўрсаткичда тупроқнинг табиий унумдорлигидаги фарқлар нисбатан барқарорроқ акс этади.

Демак, тупроқ унумдорлиги ернинг ишлаб чиқариш хусусиятларини ифодалаб, ердан фойдаланиш самарадорлигининг асосий мезони ҳисобланади.

Ерлардан оқилона фойдаланиш ва унинг унумдорлигини доимий тарзда ошириб бориш ягона ер кадастри асосида ерларнинг миқдори ва сифатини ҳар томонлама ҳисобга олишни ташкил этишни тақозо этади. Давлат ер кадастри ерларнинг ҳуқуқий режими, ер эгалари ва ер тоифалари бўйича уларнинг тақсимланиши, шунингдек, ер ресурсларининг сифат тавсифлари ва қимматлари тўғрисидаги зарурий маълумотлар ва ҳужжатлар тизимини ўзида акс эттиради.

Ерларнинг миқдори ва сифатини ҳисобга олиш уларнинг амалдаги ҳолати ва фойдаланилишига кўра амалга оширилади. Ерларнинг сифатини ҳисобга олиш ер кадастри бўйича районлаштириш, ерларнинг таснифланиши, экологик, технологик ва шаҳар қурилиши хусусиятлари, тупроқларнинг гуруҳлари бўйича уларнинг тавсифларини ўз ичига олади. Ерларни баҳолаш натурал ва қиймат кўрсаткичлари тизими ёрдамида амалга оширилади. Баҳолаш тўғрисидаги маълумотлар ер-кадастр ҳужжатларида акс эттирилади.

Ерни миқдор жиҳатидан ҳисобга олиш уни ер турлари ва ердан фойдаланувчилар бўйича мавжудлиги ва тақсимланиши даражасини аниқлашни кўзда тутди. Лекин ердан тўғри ва оқилона фойдаланиш учун

уни миқдор жиҳатдан ҳисобга олишнинг ўзи етарли эмас. Шу боис, ерни сифатини ҳисобга олиш катта қийинчиликлар билан боғлиқ бўлсада, лекин мақсадга мувофиқ жараён деб қаралади.

Ернинг сифатини ҳисобга олиш уни табиий ресурс ва ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги хўжалик аҳамиятини аниқловчи белги ва мезонлари асосида олиб борилади. Уларга ерни тупроқ қатламидан, унда экилган экинлар ва рельефдан келиб чиқиб таснифланиши, тупроқни сув ва шамол эрозиясига мойиллик даражалари тўғрисидаги маълумотлари, ботқоқланиши, кислоталаниши, озуқа моддалар билан таъминланиши ва бошқа маълумотлар киради. Шунингдек, тупроқ сифати ҳосилдорлик даражасига таъсир кўрсатувчи бошқа табиий омиллар (ёғингарчиликлар миқдори, ҳарорат) билан ўзаро боғлиқликда унинг унумдорлигини ҳам ўзида акс эттириши лозим. Чунки, бир турдаги тупроқларнинг унумдорлиги ҳам турлича бўлади. Тупроқ хусусиятининг унинг хўжалик аҳамиятига кўра бир хил эмаслиги ҳосилдорликка ҳам турлича таъсир кўрсатади. Натижада уларни қиёслашга эҳтиёж пайдо бўлиб, бу масала тупроқ бонитировкаси орқали амалга оширилади.

Тупроқ бонитировкаси тупроқ сифати ҳамда табиий унумдорлик қувватига бериладиган қиёсий баҳодир. Тупроқ бонитировкаси қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг кейинги қиймат баҳосини чиқариш, мулкӣ пайларнинг миқдорини аниқлаш, ер тузишни амалга ошириш ва ерлардан оқилона, самарали фойдаланишни рағбатлантириш учун асосдир. Бу эса тупроқ бонитировкаси экинлар билан боғлиқ бўлиши ва унинг табиий унумдорлигини асосий қишлоқ хўжалиги экини талабидан келиб чиқиб акс этиши лозимлигини англатади.

Бонитировканинг асосий мазмуни ўртача даражадаги агротехника шароитида турлича тупроқ сифатига эга бўлган ерларни ўртача ҳосилдорликни таъминланишини аниқлашни кўзда тутади. Бонитировка тупроқ табиий унумдорлигини нисбий баҳолаш, шунингдек, айти бир интенсификация даражасида муайян турдаги қишлоқ хўжалиги экинларига

нисбатан уларнинг потенциал унумдорлигини таққослама баҳолашга имкон беради. Шу билан бир каторда, у ёки бу экинларни етиштириш учун турли хил тупроқларнинг яроқлилиқ даражасини, энг юқори ҳосил берадиган тупроқларни, тупроқларнинг агроишлаб чиқариш гуруҳларини ажратиш ва ерларнинг унумдорлигини ошириш бўйича асосий мелиоратив ҳамда бошқа чора-тадбирларнинг кетма-кетлиги ва ҳажмини аниқлашга имконият яратади. Тупроқлар бонитировкаси 100 балли тизимда аниқланади.

Ерни иқтисодий баҳолаш уни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги унумдорлик қобилиятини ифодалайди. Унинг асосида тупроқнинг сифати ва ер участкаларининг жойлашувини ҳисобга олган ҳолда аниқланган турли сифатдаги ерларнинг даромадлиги ётади. Ерни иқтисодий баҳолаш мувофиқлаштирилган интенсификация даражасида амалга оширилади ва у ишлаб чиқаришнинг фақатгина табиий шарт-шароитларини деҳқончилик юритиш натижаларига таъсири даражасини аниқлаш имконини беради.

Ернинг иқтисодий баҳолаш услуби экинларни амалдаги ҳосилдорлиги ва уларни етиштиришга кетган харажатлар тўғрисидаги камида охириги беш йилдаги оммавий маълумотларга асосланади. Ишлаб чиқаришнинг мослаштирилган таркиби шароитида тупроқнинг агроишлаб чиқариш гуруҳлари бўйича баҳолаш кўрсаткичлари суғориладиган ва мелиорация тадбирлари амалга оширилмаган ерларда алоҳида равишда ҳисобланади. Ялпи маҳсулот қийматини ҳисоблашда ягона нархлар қўлланилади.

Маҳсулотни ишлаб чиқаришга кетган харажатларнинг амалдагиси олинади. Деҳқончилик юритиш амалиёти шуни кўрсатадики, ернинг иқтисодий баҳолаш даражасини аниқлашда шунингдек, олдиндан белгиланган мақсадли мўлжаллардан келиб чиқиш лозим. Чунки алоҳида экинлар бўйича олинган тенг сифатга эга бўлган тупроқларнинг ишлаб чиқариш натижаларига таъсири турлича бўлади. Бу эса амалиётда у ёки бу ернинг бошқа ерларга нисбатан қанчалик яхшироқ ёки ёмонроқ эканлигини аниқлашда қўлланилади.

Ернинг тупроқ унумдорлиги ундан фойдаланишни самарадорлигини асосий меъзони бўлсада, лекин иқтисодий аҳамияти ердан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларида яққол намоён бўлади. Яъни, маълум бир ерда мавжуд бўлган ёки эришилган хўжалик юритиш даражаси ердан фойдаланиш самарадорлиги мазмунини англатади. Самарадорлик бир бирлик майдондан олинадиган маҳсулот ва унинг таннархи билан тавсифланади. Шу боис, барча минимал ишлаб чиқариш харажатлари билан ҳар бир гектар ер ҳисобига максимал ҳосил олишни таъминлаш барча ердан фойдаланувчилар олдига қўйилган асосий вазифадир.

Лекин шунга карамай, хўжалик юритишнинг тенг шароитдаги даражасига турлича сифатга эга бўлган ерларда эришиш мумкин. Шу сабабли алоҳида олинган минтақа, туман ва корхоналарда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини объектив баҳолаш мақсадида иқтисодий баҳолаш маълумотларини ҳисобга олиш лозим.

Маълумки, суғориладиган ерларни кенгайтириш имконияти чекланган мамлакатимиз шароитида мавжуд ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, аввало, майдон бирлигидан олинаётган маҳсулот ва пировардида даромад миқдорини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Умуман олганда ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш жуда кўп омилларга боғлиқ бўлиб бу омилларни шартли равишда 2 гуруҳга бўлиш мумкин. Булар: ташкилий-иқтисодий омиллар ва технологик омиллар (1-расм).

Ташкилий-иқтисодий омилларга ерга, ишлаб чиқарилган маҳсулотга эгалик масаласининг ҳал этилганлиги, бевосита ер билан ишловчиларнинг малакаси, қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб қувватлаш, солиқ соҳасидаги имтиёзлар, уларга сервис хизмати кўрсатувчи инфратузилма субъектларининг ривожланганлиги кирса, технологик омилларга экинларни жойлаштириш, тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш тадбирларини амалга ошириш, минерал ва органик ўғитлардан фойдаланиш, тупроқ шўрини ювиш, мелиорация тадбирларини амалга ошириш, суғоришни тўғри йўлга қўйиш, тупроққа ишлов бериш

технологияси, алмашлаб экиш, экинларни жойлаштириш, серҳосил навларни танлаш ва бошқа омиллар киради.



1-расм. Ердан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омиллар

Шунингдек, қишлоқ хўжалик экин турларини жойлаштиришда хўжаликларнинг географик жойлашиш ўрни ва майдони, геоморфологик-литологик тузилиши, гидрологик, иқлим шароитлари, гидромелиоратив тизимлари ва ер ости сувларининг ҳолати, энг аввало муайян тупроқ типлари ва мелиоратив гуруҳлари ҳамда уларнинг асосий хусусиятлари ҳисобга олинади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини табиий-иқтисодий ҳудудлар бўйича оқилона жойлаштириш маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва арзонлаштириш имкониятини яратади. Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини оқилона жойлаштириш ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг ошишига олиб келади.

1.2. Ихтисослашув ва мужассамлашув жараёнларининг ердан фойдаланиш самарадорлигига таъсири

Маълумки, ижтимоий меҳнат тақсимотининг асосий шакли ишлаб чиқаришни жойлаштириш ҳисобланади. Ижтимоий меҳнат тақсимоти барча тармоқларга, шу жумладан, қишлоқ хўжалигига ҳам тааллуқли. Бирок қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар иқтисодий ва табиий такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг ривожланиш қонуниятларини ўзида акс эттиради. Айнан ушбу жиҳатлар тармоқда ишлаб чиқариш жараёнини жойлаштиришга у ёки бу даражада таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни жойлаштириш мамлакат, иқтисодий районлар, вилоят ҳудудида алоҳида турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг географик нуқтаи назаридан ёки макон бўйича тақсимланиш жараёнини ўзида акс эттиради. Минтақада алоҳида турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва алоҳида ҳудудларнинг ялпи ва товар маҳсулоти ҳажмидаги улуши каби кўрсаткичлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини жойлаштиришни тавсифлайди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини табиий-иқтисодий зоналар бўйича оқилона жойлаштириш маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва арзонлаштиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини оқилона жойлаштириш ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг ошишига олиб келади.

Меҳнатнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши алоҳида иқтисодий районлар ва минтақалар бўйича ишлаб чиқариш ихтисослашувининг

чуқурлашувига имкон яратади. Ишлаб чиқариш ихтисослашувининг чуқурлашуви эса тармоққа фан-техника тараққиёти натижаларини жорий этишга олиб келади. Ўз навбатида ихтисослашувнинг ривожланиши ишлаб чиқаришнинг мужассамлашувига ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, ишлаб чиқаришни жойлаштириш, ихтисослашув ва мужассамлашув қишлоқ хўжалигида ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, улардан биринг ўзгариши бошқаларида сезиларли ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Ихтисослашувнинг чуқурлашуви ва мужассамлашувнинг ривожланиши мамлакат минтақалари бўйича қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жойлаштириш шароитида механизация воситаларини кенг қўллашга, тармоқни босқичма-босқич кимёлаштириш ва интенсивлаштиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини оқилona жойлаштириш ва техника тараққиёти ҳам чамбарчас боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқаришини оқилona жойлаштириш умуман қишлоқ хўжалиги ва унинг алоҳида тармоқларида техника тараққиёти ривожини рағбатлантиради. Ўз навбатида аграр секторнинг ихтисослашган машина ва ускуналарга бўлган эҳтиёжи ҳудудларда техника, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё, озиқ-овқат ва саноатнинг бошқа тармоқлари ривожини учун кучли туртки ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жойлаштириш, уни мамлакат ҳудудлари бўйича оқилona тақсимлаш кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини мақсадга мувофиқ жойлаштириш қўшимча соф даромад олиш, ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг муҳим шартидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бозор муносабатларига ўтиш шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жойлаштиришнинг бир қатор ўзига хос хусусиятлари намоён бўла бошлади.

Иқтисодий тармоқлари ўртасидаги ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатларнинг бузилиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва унга хизмат кўрсатувчи саноат тармоқлари маҳсулотлари нархлари ўртасидаги

номутаносиблик аграр секторга моддий ресурслар етказиб беришнинг сезиларли даражада қисқаришига ва ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг, хўжалик юритишнинг пировард натижаларига таъсирининг сусайишига олиб келди.

Сўнгги йилларда фан-техника тараққиётининг ишлаб чиқаришни жойлаштиришга таъсири сезиларли даражада пасайди. Аграр сектор томонидан ихтисослашган машиналар, техника ва ускуналар истеъмолининг кескин қисқариши мамлакатнинг ихтисослашган ҳудудларида қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоқларида, кимё, озиқ-овқат, тўқимачилик саноатида ишлаб чиқариш ҳажми пасайишининг асосий сабаби бўлиб хизмат қилди. Бу эса ўз навбатида умуман қишлоқ хўжалиги ва агросаноат мажмуининг алоҳида тармоқларида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш суръатларининг секинлашувига олиб келди.

Шу нуқтаи назардан иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш жараёнлари изчиллик билан амалга оширилаётган бугунги кунда ихтисослашув жараёнларини чуқурлаштириш ва мужассамлашув имкониятларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш аграр соҳада ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг энг муҳим шартларидан бирига айланди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ихтисослашуви асосий тармоқни алоҳида ажратишни ва унинг устун даражада ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиб беришни кўзда тутди. У қишлоқ хўжалиги минтақаси ёки хўжаликнинг ишлаб чиқариш йўналиши ва унинг тармоқ таркибини белгилаб беради.

Иқтисодиёт ва унинг тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлигини муттасил ошириб бориш ҳар қандай мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий йўналиши ҳисобланади. Негаки, у чекланган иқтисодий ресурслар шароитида кишиларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш ва турмуш фаровонлигини яхшилаш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, “ишлаб чиқариш самарадорлиги” атамасининг моҳияти, мезонлари, шунингдек, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўналишлари ва усуллари каби масалалар кўплаб хорижий ва мамлакатимиз олимлари илмий-тадқиқотларида ўрганилган² ва гарчи бу тадқиқотларнинг аксарияти режали иқтисодиёт шароитида амалга оширилган бўлса-да, улар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолган. Шу билан бирга ишлаб чиқариш самарадорлигининг моҳиятини очиб берувчи ягона таъриф ҳанузгача мавжуд эмас ва унинг мезонлари ҳамда кўрсаткичлар тизими бугунги кунда ҳам чуқур мунозаралар ва баҳсларга сабаб бўлмоқда. Бунинг энг асосий сабаби шундан иборатки, ишлаб чиқариш самарадорлиги мураккаб иқтисодий атама бўлиб, ишлаб чиқариш кучлари фаолияти ва унинг фойдали самараси ўртасида вужудга келувчи кенг қамровли иқтисодий муносабатларни ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш фаолиятининг турли туманлиги ҳамда ундан олинadиган самаранинг турли суръат ва шаклларда намоён бўлиши мазкур атаманинг мураккаб, зиддиятли ва серқирра эканлигидан далолат беради.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ўрганиш ва таҳлил қилишда турли хил баҳс ва мунозараларга сабаб бўлаётган асосий масалалардан бири ишлаб чиқариш самарадорлиги даражасини статистик жиҳатдан қандай ифодалаш лозимлиги тўғрисидаги масаладир. Бу масала бўйича деярли барча иқтисодчиларнинг фикри бир хил, яъни иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқариш натижасини ёки ундан олинган самарани сарфланган ресурсларга ёки харажатларга таққослаш йўли билан аниқланади.

Иқтисодий адабиётларда кенг тарқалган қуйидаги таъриф бунинг яққол ифодалайди: “иқтисодий самарадорлик эришилган иқтисодий самаранинг, натижанинг омиллар, ресурслар, харажатларга нисбати билан ифодаланadиган иқтисодий фаолият, иқтисодий дастурлар ва чора-

² Ё.Абдуллаев. Региональный аспект статистического изучения эффективности общественного производства. Т.: Фан, 1986. - 184 с., Ф.Каюмов Эффективность АПК в условиях перехода к рынку: Общие и региональные проблемы. М.: ИПО “Полигран”, 1992. - 160с., Экономика сельского хозяйства. В.А. Добрынин, А.В. Беляев, П.П. Дунаев и др.; Под. ред. В.А. Добрынина. - М.: Агропромиздат, 1990. - 476 с.,

тадбирларнинг натижавийлиги, муайян нисбатдаги ресурслардан фойдаланган ҳолда иқтисодий ишлаб чиқариш ҳажмининг энг юқори даражасига эришишдир”³. Аммо ишлаб чиқариш натижалари ёки ундан олинган самара турли иқтисодчилар томонидан турлича талқин қилинади. Баъзи иқтисодчилар бу иккала тушунчани бир хил тушунсалар, баъзиларининг фикрича, самара ишлаб чиқариш натижаси ва харажатлар ўртасидаги тафовутга тенг.

Масалан, Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б.лар “самара – моддий, пул ва ижтимоий ифодада эришилган натижа”⁴ деб таъкидлайдилар. Шунга яқин қараш Добринин В.А. томонидан ҳам келтирилган. У қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини тадқиқ қилар экан, “самара – қишлоқ хўжалигида амалга оширилган у ёки бу чора-тадбирларнинг оқибати, натижаси”⁵, – деб таъкидлайди.

Кўриниб турибдики, юқорида номлари келтирилган муаллифлар ишлаб чиқариш натижаси ва ишлаб чиқаришдан олинган самарани бир хил тушунадилар, яъни уларнинг фикрича, бу иккала тушунча миқдор ва сифат жиҳатидан бир-бирига мос тушади.

Иккинчи гуруҳ олимлар мазкур тушунчаларнинг миқдор ва сифат жиҳатидан мувофиқ келмаслигини таъкидлайдилар. Масалан Е.Г.Либерман фикрича, “Ишлаб чиқаришдан олинган самара ишлаб чиқариш натижасидан унга сарфланган харажатларни чиқариб ташлаш йўли билан аниқланади”⁶. А.И.Ноткин ҳам шунга яқин фикрни илгари суради: “Фақат ишлаб чиқаришнинг соф натижасигина у ёки бу давр оралиғидаги ишлаб чиқариш

Статистическое изучение экономической эффективности общественного производства. Под.ред. Т.В. Рябушкина. - М.: Наука, 1977. - 352 с. ва бошқалар.

³ Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. - М.: ИНФРА-М, 1997. - 403 с

⁴ Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. - М.: ИНФРА-М, 1997. - 403 с.

⁵ Экономика сельского хозяйства. /В.А. Добрынин, А.В.Беляев, П.П. Дунаев и др. - М.: Агропромиздат, 1990. - 238 с.

⁶ Либерман Е.Г. “Различия показателей эффективности на уровнях общественного производства и отдельных предприятий”. /Статистическое изучение экономической эффективности общественного производства. - М.: Наука, 1977. - 12 с.

самараси бўлиши мумкин”⁷. Мазкур таърифда ишлаб чиқаришнинг соф натижаси, яъни ишлаб чиқариш натижасидан унга сарфланган харажатлар айириб ташлангандан кейин қолган қиймат ва самара бир-бирига тенглаштирилмоқда.

Бизнинг фикримизча, ишлаб чиқариш натижаси ва ишлаб чиқаришдан олинган самарани бир хил маънода тушуниш лозим. Бу, бир томондан, “самара” ва “самарадорлик” атамаларининг моҳиятини очиб беришда қулайлик туғдиради, иккинчи томондан ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлашни услубий томондан енгиллаштиради.

Ишлаб чиқариш натижаси ва ишлаб чиқаришдан олинган самарани турли хил тушуниш “самара” ва “самарадорлик” атамаларининг моҳиятини аниқлашда ҳам чигалликни юзага келтиради. Иқтисодий адабиётларда “самарадорлик” тушунчасига берилган таърифларини кўздан кечирганда “самарадорлик” ва “самара” тушунчаларини моҳиятини очишда уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ёки уларни турли хусусиятга эга бўлган тушунчалар деб талқин қилиш ҳоллари кўп учрайди. Ваҳоланки, самара ва самарадорлик ҳақида гап борганда уларни миқдор эмас, балки сифат жиҳатдан таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Бу эса ўз навбатида тушунчаларнинг моҳиятини чуқурроқ очиш имконини беради. Бизнинг фикримизча, самарадорлик ва самара ягона бир тушунчанинг икки томонидир, холос. Самарадорлик бирор бир ҳодисанинг натижавийлигини англатса, самара ушбу ҳодисанинг билвосита натижасидир. Бошқача қилиб айтганда самарадорлик ва самара ягона бир иқтисодий ҳодиса, жараённинг сабаби ва оқибати сифатида намоён бўлади.

Масалан, ўғитлардан фойдаланиш натижасида олинган натижа ялпи ҳосилнинг ўсишида, озуқалардан фойдаланишдан олинган натижа қўшимча вазн ёки сут соғиб олишнинг ўсишида ўз аксини топади. Аммо мазкур самара ўғитдан ёки озуқадан фойдаланишнинг нафлилигини ёки фойдалилигини

⁷ Ноткин А.И. Вопросы определения экономической эффективности капитальных вложений. М.: Изд-во АН СССР. 1978. - с.32

аниқлаш учун етарли эмас. Улардан фойдаланишнинг фойдалилигини аниқлаш учун олинган натижани ўғит ёки озуқадан фойдаланиш билан боғлиқ харажатларга таққослаш лозим бўлади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ягона кўрсаткич орқали ифодалаш мумкинми ёки бунинг учун муайян тизимни ташкил қилувчи кўрсаткичлардан фойдаланиш лозимми, деган саволни ҳал этиш бўйича ҳам олимлар ўртасида яқдиллик мавжуд эмас.

Бу соҳада иқтисодчи-олимлар қарашларини икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ олимлар иқтисодий самарадорликни аниқлашда ягона умумлаштирувчи кўрсаткичлардан фойдаланиш имкониятини инкор қиладилар. Р.Д.Винокур, А.Еремин, В.Иванченко, Ю.И.Иванченко ва бошқалар ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлашда ушбу жараённинг турли жиҳатларини ўзида акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш лозимлигини таъкидлайдилар.

Хусусан, Ю.И.Иванченко “...назарий жиҳатдан ҳам, услубий жиҳатдан ҳам ижтимоий ва иқтисодий самарадорликни ягона кўрсаткич орқали ифодалаш мумкин эмас”лигини уқтиради⁸. Муаллиф фикрича, иқтисодиёт таркибини оқилонлаштириш нафақат халқ хўжалиги миқёсида, балки алоҳида олинган корхоналар миқёсида ҳам ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари мажмуидан фойдаланишни тақозо этади.

А.Еремин нуқтаи назарига кўра, иқтисодий амалиётда бир қатор кўрсаткичларнинг (миллий даромад, меҳнат унумдорлиги, реал даромадлар ва бошқалар) “мувофиқлашган” энг юқори ва энг паст кўрсаткичлари доимий равишда аниқланади. Бу эса ижтимоий-иқтисодий ўсиш масалаларини ягона кўрсаткич асосида ҳал этиш имкониятининг мавжуд эмаслигидан далолат беради⁹.

Бошқа гуруҳ иқтисодчилар бундай ёндашувни кескин танқид қиладилар. Уларнинг фикрига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини

⁸ Ю.И. Иванченко. Повышения эффективности общественного производства и совершенствование хозрасчета. М.: Мысль, 1985. - с.24

⁹ Еремин А. О критерии эффективности. М.: Наука, 1985. - с.73.

кўплаб кўрсаткичлар асосида аниқлаш самарадорлик даражасини аниқ ифодалай олмайди, чунки улар турли хил йўналишларга эга. Шу сабабли иккинчи гуруҳ вакиллари – С.Г.Струмилин, С.Хачатуров, Б.П.Плишевский, Ф.К.Каюмов, А.И.Ноткин, К.В.Решетинский, Ё.Абдуллаев ва бошқалар хусусий кўрсаткичлар тизими асосида ягона умумлаштирувчи кўрсаткични аниқлаш лозимлигини таъкидлайдилар.

Ҳақиқатан ҳам, ягона умумлаштирувчи кўрсаткични аниқлаш зарурияти шу билан тушунтириладики, хусусий кўрсаткичлар макон ва замонда нафақат турли суръатларда, балки турли хил йўналишларда ҳам ўзгариши мумкин. Бундан ташқари улар ўзаро муайян зиддиятда ҳам бўладилар: мазкур кўрсаткичлардан бирортасининг ўсиши иккинчисининг пасайишига олиб келиши мумкин.

Масалан, амалиётда меҳнат унумдорлигининг ўсиши фонд қайтимининг пасайиши билан бирга бориши ҳолати кузатилади. Натижада бир бирлик маҳсулотга сарфланган жами меҳнат харажатлари миқдори ошади. Худди шундай фонд сиғимининг пасайиши иш ҳақи миқдорининг ошиши эвазига маҳсулот таннархининг ўсиши билан бирга бориши мумкин. Чунончи, собиқ Иттифокда меҳнат унумдорлиги XX асрнинг 70-80 йилларида муттасил ўсиб борди, аммо таққослама нархларда ялпи ички маҳсулотнинг материал сиғими сезиларли даражада ўзгармасдан қолди, айтилиши вақтда фонд қайтимида барқарор пасайиш тенденцияси кузатилди.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, кўрсаткичлар тизимига асосланиб, нафақат ишлаб чиқариш самарадорлигининг миқдорий ўзгаришлари, балки унинг умумий тенденциялари тўғрисида ҳам хулоса чиқариб бўлмайди. Шу сабабли ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлашнинг умумий, интеграл кўрсаткичини аниқлаш лозим.

В.Е.Адамов нуқтаи назарига мувофиқ, бундай кўрсаткични аниқламасдан туриб ишлаб чиқариш самарадорлигининг муттасил ўсиш боришини таъминлаш мумкин эмас¹⁰.

Бизнинг фикримизга кўра, ягона умумлаштирувчи кўрсаткични аниқлаш зарурияти тўғрисидаги қараш мақсадга мувофиқ бўлиб, у тизимлар назариясига тўла мос келади. Маълумки, иқтисодиётнинг ҳар бир иерархик тизими қуйи тизимлар мажмуидан иборат. Бу қуйи тизимлар мураккаб тузилишга эга бўлиш билан бирга ўз фаолиятида нисбатан мустақил ҳисобланади. Қуйи тизимлар таркибида юз бераётган ўзгаришларни ифодалаш учун ўзаро боғлиқ хусусий кўрсаткичлар мажмуидан, қуйи тизим фаолият кўрсатишининг умумий мақсадларини ва бошқа қуйи тизимлар билан муносабатларини ифодалаш учун эса қуйи тизимда ягона умумлаштирувчи кўрсаткич зарур бўлади.

Худди шу ҳолат умуман тизимга ҳам хос. Тизим таркибини қуйи тизимларнинг хусусий кўрсаткичлари, тизим фаолият кўрсатишининг умумий мақсадини эса умумлаштирувчи кўрсаткич ифодалайди. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлашнинг умумий кўрсаткичи умуман ишлаб чиқариш самарадорлигини ифодаласа, хусусий кўрсаткичлар тизими унинг айрим жиҳатларини ўзида акс эттиради.

Умумлаштирувчи кўрсаткични аниқлаш зарурияти ишлаб чиқариш самарадорлигининг моҳияти, хусусий кўрсаткичларни аниқлаш зарурияти эса унинг намоён бўлиш шаклининг турли туманлиги билан изоҳланади.

Маълумки, ишлаб чиқаришнинг кўп қиррали эканлигига қарамай, унинг ҳар бир иерархик даражасида, яъни корхоналардан токи умуман иқтисодиётгача барча тизим фаолияти йўналтирилган асосий мақсад мавжуд бўлади. Нисбатан паст даражадаги тизим мақсади юқорироқ даражадаги тизим мақсадига зид келмаслиги лозим. Бошқача қилиб айтганда, қуйи тизим мақсади юқори тизим мақсадининг бажарилишига олиб келиши лозим.

¹⁰ Адамов В.Е. Статистическая оценка экономической эффективности производства. /Статистическое изучение экономической эффективности общественного производства. М.: Наука, 1977. - с.125

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир даражасида унинг иқтисодий самарадорлиги ягона умумлаштирувчи кўрсаткич орқали ўлчаниши лозим. Асосий кўрсаткич билан бирга ишлаб чиқаришнинг алоҳида жиҳатларини ифодаловчи ва уни тўлдирувчи хусусий кўрсаткичлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, умумлаштирувчи кўрсаткични аниқлаш зарурияти кўплаб иқтисодчи-олимлар томонидан эътироф этилаётган бўлса-да, айнан қайси кўрсаткичдан фойдаланиш тўғрисида ягона фикр мавжуд эмас. Иқтисодий адабиётларда ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлашнинг мезони сифатида ялпи ички маҳсулот, кўшилган қиймат, меҳнат унумдорлиги каби кўрсаткичлар тавсия этилади. Бу кўрсаткичлардан ҳар бири ўз афзалликлари ва камчиликларига эга. Аммо бу кўрсаткичлар ишлаб чиқариш самарадорлигининг у ёки бу томонини ўзида акс эттиради. Масалан, меҳнат унумдорлиги меҳнат ва моддий маблағлардан фойдаланиш даражасини ифодалайди. Бироқ у ишлаб чиқариш ресурсларидан, масалан, асосий фондлардан фойдаланиш даражасини ўзида акс эттирмайди.

Ишлаб чиқариш самарадорлигининг мезони эса кенг тушунча бўлиб, у нафақат ишлаб чиқариш, балки моддий бойликларни тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнлари билан ҳам боғлиқ. Шу муносабат билан айтиш мумкинки, ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлашнинг бошланғич мезони бўлиб янгидан яратилган маҳсулот, яъни миллий даромад ҳисобланади. Аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган миллий даромад эса ишлаб чиқариш самарадорлигини тўлароқ ифодалайди.

Миллий даромад муайян давр мобайнида (бир йилда) янгидан яратилган жами маҳсулотнинг пулдаги ифодаси бўлиб, барча ишлаб чиқариш омиллари (ер, меҳнат, капитал, тадбиркорлик) томонидан олинган даромадларни ўзида акс эттиради. Миллий даромад ялпи ички маҳсулотдан амортизация ажратмалари (асосий фондларнинг эскириши) ва эгри солиқларни айириш йўли билан аниқланади. Иккинчи томондан миллий

даромадни иш ҳақи, саноат ва савдо фойдаси, сарфланган капиталдан олинган фоиз ва ер рентасининг йиғиндиси сифатида аниқлаш мумкин.

Кўриниб турибдики, миллий даромад барча ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш даражасини ифодалаш билан бирга истеъмол даражасига ҳам баҳо бериш имкониятини беради. Шу билан бирга ишлаб чиқаришнинг турли даражаларида миллий даромаднинг уларга мослаштирилган кўринишларидан фойдаланиш мумкин. Масалан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигининг мезони бўлиб ялпи даромад ҳисобланади.

Маълумки, иқтисодий самарадорлик ресурслар ва харажатлар билан билвосита боғлиқ. Демак, бу борада мавжуд муаммолардан яна бири иқтисодий самарадорликни харажатлар ёки ресурслар орқали ҳисобланиши билан боғлиқ.

Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда иқтисодий самарадорликни ҳисоблашнинг икки хил услуби шаклланди: ишлаб чиқариш натижасини унга сарфланган харажатларга таққослаш ва ишлаб чиқариш натижасини ресурсларга таққослаш.

Мазкур икки услуб моҳиятига кўра ўзаро боғлиқ. Масалан, ресурслардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш айни вақтда уларнинг истеъмол қилинишини билдиради. Шу билан бирга улар харажатларни ҳам ташкил этади. Ўз навбатида харажатлар нафақат маҳсулотни ишлаб чиқаришга, балки ресурсларни такрор ишлаб чиқаришга ҳам йўналтирилган бўлади. Бошқача қилиб айтганда, харажатлар ресурсларнинг ҳаракатдаги шакли бўлса, ресурсларни харажатларнинг статик шаклига қиёс қилса бўлади. Шундан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳисоблаш жараёнида харажатларга фойдаланиб бўлинган ресурслар, ресурсларга эса ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланишга жалб этилган маблағлар деб қараш мумкин.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини муттасил ошириб бориш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг асосий

мақсади ҳисобланади. Аграр соҳада ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш иккита бир-бири билан боғлиқ вазифани ҳал этиш имконини беради. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини максималлаштириш ва маҳсулот бирлигига сарфланган сарф-харажатлар миқдорини камайтириш. Бу вазифаларни ҳал этиш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш, яъни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига капитал маблағлар ҳажмини ошириб бориш билан узвий боғлиқ. Амалиёт шуни кўрсатадики, капитал қўйилмалар ҳажми қанчалик юқори бўлса, улардан оқилона фойдаланиш даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади ва аксинча.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим манбаси меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобланади. Меҳнат унумдорлиги даражаси қанча юқори бўлса, шунча аҳоли турмуш даражасини оширишга ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга кўпроқ маблағ ажратиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, меҳнат унумдорлигининг ўсиши аҳоли турмуш фаровонлигининг ўсишини таъминловчи асосий омилдир.

Моддий ва маънавий бойликлар қанча кўп ва арзон ишлаб чиқарилса, уларнинг аҳоли кенг қатламлари томонидан сотиб олиниши ва истеъмол қилиниши енгиллашади. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши кишиларни моддий ишлаб чиқариш тармоқларидан озод қилиб, уларни хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларига жалб қилиш имконини беради.

Иқтисодиётга хос қонуният – бу меҳнат унумдорлигини муттасил ошиб боришидир. Ушбу ҳолат ўз навбатида иқтисодиётда муҳим бўлган ресурсларни чекланганлиги муаммосини ечимларидан биридир. Натижада, меҳнат унумдорлигининг оширилиши фақат жонли меҳнат сарфини тежаш билан эмас, балки моддий ресурсларнинг ишлатилишини тежаш билан ҳам боғлиқдир.

Меҳнат унумдорлигини ошириш учун янги технология ва хом ашёларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш, меҳнатни илғор усулларини ўрганиш, илмий-амалий ишлар ва ихтирочиликни рағбатлантириш муҳим

масала ҳисобланади. Ишчиларнинг маълумоти ва касбий тайёргарлиги унумдорликни белгиловчи асосий омиллардан бири эканлигини айтиб ўтиш лозим.

Ишлаб чиқариш омиллари ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилинар экан улар турли усулларда бирлаштирилади. Бунда ишлаб чиқариш омилларининг айримлари бошқаларига нисбатан самарали фаолият кўрсатади. Шу сабабли амалиётда ишлаб чиқариш омилларининг самарали тарзда бирлаштирилиши албатта унумдорликнинг ошишини таъминлайди. Омиллар комбинациясини тўғри танлаш эса юқори тадбиркорлик кўникмаларини талаб қилади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар билан бирга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар ҳам мавжуд. Табиат ресурсларидан, энг аввало, ер бойлигидан интенсив фойдаланиш иқтисодий самарадорликни таъминлаш билан бирга атроф муҳитни ҳимоя қилиш муаммосини ҳам олдинга суриши мумкин. Бу эса атроф муҳитга келтирилган зарар оқибатларини қоплаш, меҳнат шарт-шароитларини яхшилашга йирик маблағларни сарф қилинишини тақозо қилади. Масалан, Марказий Осиё мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг йирик миқдордаги молиявий ресурслари Орол денгизи муаммоси ва минтақа аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашга сарфланмоқда.

Ишлаб чиқариш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатувчи бошқа омилларга меҳнат интизомининг бузилиш ҳоллари, хўжасизлик ва хўжалик жиноятлари, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига ноқулай об-ҳаво шароитларининг таъсирини кўрсатиб ўтиш мумкин. Меҳнат хавфсизлигининг ошиши, тоза ҳаво ва сув, ҳаёт сифатини яхшилашга йўналтирилган харажатлар ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигини пасайиши ҳисобига амалга ошади. Лекин, самарадорликни ўзи ана шу мақсадларни амалга ошириш учун қўшимча харажатларни таъминлаш имконини беради.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналишларидан бири бу инвестиция ресурсларидир. Чунки, ялпи ички маҳсулотда инвестиция улуши ва меҳнат унумдорлигини ўсиши ўртасида узвий ва бевосита боғлиқлик мавжуд. Иқтисодий самарадорликни оширишда ишлаб чиқаришни асосий фондлар билан куроллантириш даражасини яхшилаш катта аҳамият касб этади. Асосий ишлаб чиқариш фондларини ишга тушириш иқтисодиётнинг моддий ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлганлар сонидан орқада бўлмаслиги лозим.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларидан яна бири бу техника тараққиётидир. Техника тараққиёти кўп жиҳатдан илмий тараққиёт ва тажриба-конструкторлик тадбирларига харажатлар миқдори билан белгиланади. Бу харажатларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини камаймаслигини таъминлаш муҳимдир.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги меҳнатни ташкил этиш шакллари билан чамбарчас боғлиқдир. Бу борада асосий ўринни қаттиқ интизом ва юқори даражадаги меҳнат унумдорлиги эгаллайди. Бундан ташқари, ишчиларда инновацияга, янгиликка интилиш, жамият, корхона манфаатини шахсий манфаатдан устун қўйиш, юксак тадбиркорлик, эришилган натижа билан қаноатланиб қолмаслик, деҳқончилик маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш каби муаммоларни ҳал этиш лозим.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун юқорида санаб ўтилган омиллар албатта реал ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилаётган барча омилларни ўз ичига тўлиқ қамраб ола олмайди. Бу ерда ўлчаш мумкин бўлмаган омилларнинг ҳам роли жуда юқоридир. Бу омилларга миллий, сиёсий ва маданий барқарорлик учун муҳит, соҳибкорлик, ихтирочилик, яратувчилик учун қулай шарт-шароит ҳозирлаш каби тадбирлар мажмуаси киради. Бу шарт-шароитларни миқдорий баҳолаш мумкин бўлмасада, лекин улар иқтисодий ўсиш ва тараққиётнинг асосларини ташкил қилади.

2-БОБ. ҲУДУДДА ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

2.1. Ислохотлар даврида ҳудуд ер фондидаги таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналишлари

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва “Ер Кодекси” мувофиқ ер умуммиллий бойлик ҳисобланади. Шу сабабли ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб, ундан илмий асосда табиий-иқтисодий ва ҳудудий омилларни ҳисобга олиб оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш, табиий муҳитни асраш ва яхшилаш, хўжалик юретишнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлилиги асосида ривожлантириш учун шароит яратиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш жараёнлари изчиллик билан амалга оширилаётган бугунги кунда ҳал этилиши лозим бўлган муҳим вазифалар жумласига киради.

Ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан ер фонди таркибига, ер ресурсларининг ердан фойдаланувчилар, ҳудудлар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорлар ўртасида тўғри ва оқилона тақсимланишига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан тадқиқот объекти ҳисобланган Қашқадарё вилояти ер фонди ва унинг таркибидаги таркибий ўзгаришларни таҳлил қилиш, уларнинг асосий ва устувор йўналишлари ҳамда тенденцияларини аниқлаш вилоят ер ресурсларидан самарали фойдаланишда муҳим ўрин тутди.

Ер фонди таркибини турли гуруҳларга ажратиб ўрганиш мумкин. Хусусан, қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш нуқтаи назаридан ер фонди таркибини қуйидаги белгилари бўйича ўрганиш мақсадга мувофиқ:

– белгиланган мақсадга кўра;

- сифат ҳолатига кўра;
- маъмурий-ҳудудий бўлинишига кўра;
- хўжалик мақсадида фойдаланишига кўра;
- ердан фойдаланувчилар таркибига кўра.

Ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш хусусиятига кўра ер фондини икки гуруҳга ажратиб ўрганиш мумкин: асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида фойдаланилаётган ерлар ва иқтисодиётнинг саноат ва бошқа тармоқларини жойлаштириш учун макон вазифасини бажараётган ерлар.

Жами ер фондида иккинчи гуруҳ ерлари улушининг ўсиб бориши қонуният ҳисобланади, чунки саноат, транспорт ва бошқа тармоқларнинг ривожланиши, йўллар қурилиши каби жараёнлар ҳамда ер ресурсларининг чекланганлиги қишлоқ ва ўрмон хўжалик ерларининг бир қисмини улар учун ажратиб беришни тақозо этади. Бу ҳолат ер ресурсларидан самарали фойдаланишни шарт қилиб қўювчи объектив сабаблардан бири ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ер фонди таркибини бундай гуруҳлаш умумий характерга эга бўлганлиги боис ердан оқилона фойдаланиш ва уни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш билан боғлиқ амалий вазифаларни ҳал этиш имконини бермайди. Шу сабабли ер фондини мақсадли фойдаланиш йўналишига кўра ўрганиш илмий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси “Ер Кодекси”га мувофиқ ер фонди ерлардан фойдаланишнинг белгиланган асосий мақсадига кўра 8 тоифага ажратилган:

“1) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган - қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ёки ана шу мақсадга мўлжалланган ерлар. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар суғориладиган ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерлар, ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, кўп йиллик мевали дов-дарахтзорлар ва токзорлар эгаллаган ерларга бўлинади;

2) аҳоли пункт (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пункт)ларининг ерлари — шаҳарлар ва посёлкалар, шунингдек қишлоқ аҳоли пунктлари чегараси доирасидаги ерлар;

**Қашқадарё вилоятида ер фондининг фойдаланиш турлари бўйича
тақсимланиши (2013 й. 1 январ ҳолатига)**

№	Ер тоифалари	Жами, минг га	Умумий майдонга нисбатан, %	Шундан, минг га			
				ҳайдалма ерлар	дарахт- зорлар	бўз ерлар	яйлов ва пичан- зорлар
1	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	2453,875	85,9	681,44	33,787	23,147	1457,223
2	Аҳоли пунктлари ерлари	11,804	0,4	0,5	0,2	-	0,3
3	Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларда фойдаланиладиган ерлар	63,439	2,2	0,1	0,1	-	1,0
4	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаш- тириш, рекреация мақсадларида фойдаланиладиган ерлар	0,01	-	-	-	-	-
5	Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар	-	-	-	-	-	-
6	Ўрмон фонди ерлари	289,36	10,1	2,3	0,2	-	127,6
7	Сув фонди ерлари	34,492	1,2	0,1	0,1	-	0,6
8	Заҳира ерлар	3,819	0,1				0,4
	Жами	2856,899	100	684,44	34,387	23,147	1587,23

3) саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларда мўлжалланган ерлар – кўрсатилган мақсадларда фойдаланиш учун юридик шахслар учун берилган ерлар;

4) табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар – алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эгаллаган, табиий даволаш омилларига эга бўлган ерлар, шунингдек, оммавий дам олиш ва туризм учун фойдаланиладиган ерлар;

5) тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар, тарихий-маданий ёдгорликлар жойлашган ерлар;

6) ўрмон фонди ерлари – ўрмон билан қопланган, шунингдек, ўрмон билан қопланмаган бўлса ҳам, ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар;

7) сув фонди ерлари – сув объектлари, сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар ва сув объектларининг қирғоқлари бўйлаб ажратилган минтақадаги ерлар;

8) захира ерлар.”

Олинган маълумотларга қараганда, 2013 йил 1 январь ҳолати бўйича вилоятнинг умумий ер майдони 2856,8 минг гектарни ташкил этади. Вилоят умумий ер майдонининг 85,9 фоизини қишлоқ хўжалик мақсадлари учун ажратилган. Бундан ташқари умумий ҳайдалма ерларининг 99,56 фоизи, дарахтзорларнинг 98,25 фоизи, бўз ерларнинг жами ҳамда, яйлов ва пичанзорларнинг 91,81 фоизи қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланилади.

Шунингдек, ўрмон фонди ерлари қишлоқ хўжалиги ерларидан кейин иккинчи ўринда турган бўлиб, умумий ер майдонининг 10,1 фоизини (289,4 минг га) ташкил қилади. Қолган тоифадаги ерларнинг улуши эса анча паст бўлиб, жами 3,3 фоизни ташкил этади, холос. Бу маълумотларнинг барчаси яна бир қарра истиқболда вилоятда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш учун қулай имкониятлар мавжуд эканлигини кўрсатади.

Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш ҳолатини баҳолашда албатта мазкур ҳолатнинг вилоят туманлари бўйича тақсимланишини ҳамда мавжуд қишлоқ хўжалик ерларининг таркибида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун асосий восита бўлган суғориладиган ерларнинг улушини алоҳида эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир (2-жадвал).

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадик, 2013 йилда вилоят бўйича умумий ер майдонининг 18,0 фоизи, экин майдонларининг эса 62,2 фоизини суғориладиган ерлар ташкил этади.

Бу кўрсаткич туманлар бўйича кескин фарқ қилиб, вилоят янги суғориладиган ҳудудларида юқори улушни ташкил этган. Масалан, қишлоқ

хўжалиги ишлаб чиқариши учун ажратилган экин майдонлари таркибида суғориладиган ерлар улуши бўйича Касби, Миришкор, Нишон туманларида мазкур кўрсаткич 100 фоизни, Қарши туманида 92,9 фоизни, Косон туманида 83,79 фоизни, Муборак туманида 94,21 фоизни, Қарши шаҳрида 94,24 фоизни ташкил қилган.

2-жадвал

**Қашқадарё вилояти туманлари бўйича жами қишлоқ хўжалик
ерларининг тақсимланиши (2013 йил 1 январ ҳолатига)**

№	Туманлар	Умумий ер майдони			Экин ерлари		
		жами, минг га	шу жумладан		жами, минг га	шу жумладан	
			суғори- ладиган, минг га	жамига нисбатан, % хисобида		суғори- ладиган минг га	жамига нисбатан, % хисобида
1	Ўзор	265,230	34,954	13,18	61,886	31,271	50,53
2	Дехқонобод	395,662	2,930	0,74	44,725	1,927	4,31
3	Қамаши	245,735	34,806	14,16	62,915	28,249	44,9
4	Қарши	91,704	49,190	53,64	44,210	41,068	92,89
5	Косон	187,241	73,996	39,52	73,324	61,441	83,79
6	Касби	73,479	50,565	68,82	44,472	44,472	100
7	Китоб	174,198	20,272	11,64	21,741	9,955	45,79
8	Миришкор	312,538	62,644	20,04	55,287	55,287	100
9	Муборак	307,013	34,999	11,40	34,204	32,224	94,21
10	Нишон	211,128	57,595	27,28	51,764	51,764	100
11	Чироқчи	283,686	30,545	10,77	122,641	22,793	18,58
12	Шахрисабз	166,687	26,036	15,62	24,662	18,077	73,3
13	Яккабоғ	134,947	34,566	25,61	39,072	24,668	63,13
14	Қарши ш.	7,551	1,739	23,03	0,538	0,507	94,24
	Жами вилоят бўйича	2856,799	514,437	18,0	681,441	423,703	62,18

Ер фондининг мазкур тоифалари кўп жиҳатдан иқтисодиётнинг асосий тармоқлари таркиби билан белгиланади. Шу сабабли улар ўзгармас ҳисобланмайди ва бир тоифадан иккинчи тоифага ўтиб туриши мумкин. Ерларнинг бир тоифадан бошқа тоифага ўтиб туриши натижасида ер фондида таркибий ўзгаришлар юз беради.

Қашқадарё вилояти географик ва ҳудудий жойлашувининг ўзига хос жиҳатлари, яъни унинг тоғ ва тоғолди зоналарида жойлашганлиги ўрмон

хўжалиги ерлари улушининг нисбатан юқори бўлишига олиб келиб, бу борада катта имкониятлар борлигидан далолат беради.

Қолган тоифадаги ерлар улуши анча паст бўлиб, уларнинг жами ер фондидаги биргаликдаги салмоғи 3 фоизини ташкил қилади, холос. Бу эса вилоят ер майдонлари қишлоқ хўжалигини юритиш учун қулай имкониятларга эга эканлиги ва бу ерда деҳқончилик ҳамда чорвачилик ривожланиши истиқболлари юқори эканлигини кўрсатади.

3-жадвал

Қашқадарё вилоятида ер фондининг фойдаланиш турлари бўйича тақсимланиши, минг гектар.

Ер турлари	1990	2000	2010	2013	2013 да 1990 га нисбатан, % да
Қишлоқ хўжалик ерлари	2531,2	2531,1	2495,0	2495,0	98,6
Аҳоли пунктлари ерлари	8,7	11,6	11,6	11,6	133,3
Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар	18,0	20,0	35,5	35,5	197,2
Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация ерлари	7,1	3,0			-
Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар	-	-			-
Ўрмон фонди ерлари	258,5	271,6	276,6	276,3	106,7
Сув фонди ерлари	29,8	33,7	34,3	34,3	115,1
Захира ерлари	4,2	3,8	3,8	3,8	90,5
Жами ерлар	2857,5	2856,8	2856,8	2856,8	99,98

Жадвал маълумотларини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, 1990-2013 йиллар давомида вилоят ер фонди ҳажми сезиларли даражада ўзгармаган бўлса-да, унинг таркибида қатор ўзгаришлар юз берган. Чунончи, таҳлил қилинаётган давр мобайнида қишлоқ хўжалиги ерлари 36,2 минг гектарга ёки 1,4 фоизга қисқарган. Бунинг натижасида мазкур ерларнинг

вилоят жами ер фондидаги улуши 1990 йилда 88,6 фоиздан 2013 йилда 87,3 фоизгача пасайди.

Бу пасайиш, энг аввало, ўрмон хўжалиги, аҳоли пунктлари, саноат, транспорт, мудофаа ва бошқа мақсадлар учун белгиланган ерларнинг ҳам мутлақ, ҳам нисбий миқдорда ўсганлиги билан боғлиқ.

Қашқадарё вилоятида 1990-2013 йиллар давомида ўрмон хўжалиги ерлари 17,8 минг гектарга ёки 6,7 фоизга ўсди. Бу асосан қишлоқ хўжалиги ерларининг бир қисмини ўрмон хўжалигига ажратиб берилиши ҳисобига юз берди. Бу эса ўрмон ерларининг жами ер фондидаги улушини таҳлил қилинаётган давр мобайнида 9,0 фоиздан 9,7 фоизга ўсишини таъминлади.

Мустақиллик йилларида республикамиз аграр соҳасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида аҳолини ер ресурслари билан таъминланишида сезиларли ижобий ўзгаришлар юз берди. Хусусан, 1991 йилда республика миқёсида аҳоли шахсий хўжаликлари учун 100 минг гектар ер ажратиб берилди. Бундай ўзгариш Қашқадарё вилоятига ҳам хос.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, аҳоли пунктлари ерлари 1990 йилда 8,7 минг гектардан 2013 йилда 11,6 минг гектаргача, яъни 33,3 фоизга ўсди. Бунинг натижасида аҳоли пунктлари ерларининг вилоят ер фондидаги салмоғи 0,3 фоиздан 0,4 фоизгача ошди.

Қишлоқ аҳолисининг ер билан таъминланишидаги бундай ижобий ўзгаришлар нафақат уларнинг уй-жой билан таъминланишининг ошишига, балки даромад манбаларини кенгайтириб, ўтиш даврида ижтимоий аҳолининг яхшиланишига ҳам туртки бўлди.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг жами ер майдонидаги улуши туманлар бўйича бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади. Бундай тафовутнинг мавжудлиги туманларнинг ўзига хос ҳудудий хусусиятлари, хусусан, урбанизациялашганлик ва ўрмон хўжалиги ерлари билан таъминланганлиги, ерларнинг рельеф тузилиши ҳамда аҳолининг зичлик даражаси билан боғлиқ. Масалан, Қарши шаҳрида қишлоқ хўжалиги ерлари жами ер майдонининг 27,5 фоизини ташкил қилади ва бу, энг аввало, жами ер фондида аҳоли

пункти ҳамда саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар улушининг юқорилиги (72,5 фоиз) билан изоҳланади (3-жадвал).

3-жадвал

Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер майдонининг 2013 йилда туманлар бўйича тақсимланиши

Туманлар	Умумий майдони	Қишлоқ хўжалиги ер майдони	Умумий майдонга нисбатан, %
Ўзур	265230	237493	89,5
Дехқонобод	395662	280474	70,9
Қарши	91705	65694	71,6
Косон	187241	143622	76,7
Қамаши	245735	179184	72,9
Китоб	174198	103944	59,7
Миришкор	312538	277473	88,8
Муборак	307013	271875	88,6
Нишон	211128	155086	73,5
Касби	73479	49777	67,7
Чироқчи	283686	241350	85,1
Шаҳрисабз	166687	102906	61,6
Яккабоғ	134947	100480	74,5
Қарши шаҳри	7551	2079	27,5
Вилоят бўйича жами	2856800	2211437	77,4

Қарши (71,6 фоиз) ва Касби (67,7 фоиз) туманларида аҳолининг зич жойлашганлиги ҳамда саноат тармоғининг нисбатан юқорироқ даражада ривожланганлиги жами ер майдонида қишлоқ хўжалиги ерлари улушининг пастлигини таъминлайди.

Китоб (59,7 фоиз), Шаҳрисабз (61,6 фоиз), Дехқонобод (70,9 фоиз) ва Қамаши (72,9 фоиз) туманларида қишлоқ хўжалик ерларининг нисбатан паст улуши жами ер майдонида ўрмон хўжалиги ва аҳоли пункти ерларининг сезиларли салмоққа эга эканлиги билан тушунтирилади.

Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш нуқтаи назардан қишлоқ хўжалик ерларининг хўжалик мақсадида фойдаланишига кўра таркибини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда суғориладиган ерлар алоҳида ўрин тутди, чунки етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми айнан мана шу ерлар ҳиссасига тўғри келади.

4-жадвал

Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги ер турларининг фойдаланиш мақсадларига кўра тақсимланиши (минг га)

Ер турлари	1990	2000	2010	2013	барча ерлардаги улуши		2013 да 1990 га нисб. % да
					1990	2013	
Ҳайдаладиган ерлар	670,6	669,7	668,5	668,0	29,9	30,0	99,7
Шу жумладан: суғориладиган ерлар	416,4	417,7	417,6	418,6	18,6	18,7	100,2
Лалмикор ерлар	254,2	252,0	250,9	249,4	11,4	11,3	98,7
Кўп йиллик дарахтзорлар	35,0	34,6	33,9	31,8	1,6	1,5	98,6
Шу жумладан: суғориладиган ерлар	32,1	31,7	31,1	29,5	1,4	1,4	98,4
Бўз ерлар	25,7	23,5	24,1	23,9	1,1	1,0	91,4
Шу жумладан: суғориладиган ерлар	5,2	4,8	8,6	5,2	0,2	0,2	92,3
Яйлов ва пичанзорлар	1542,2	1503,2	1487,6	1488,6	68,6	67,4	97,4
Жами қишлоқ хўжалик ерлари	2273,5	2231,0	2214,1	2212,2	100	100	98,0

Жадвал маълумотларини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалик ерларининг асосий қисми яйлов ва пичанзорлар ҳиссасига тўғри келади. Бу, энг аввало, вилоятнинг географик

жойлашуви ва ҳудудий хусусиятлари билан боғлиқ, яъни вилоят ҳудудининг асосий қисмини тоғ ва тоғолди зоналари ҳамда чўллар ва чала чўллар ташкил этади. Мазкур турдаги ерларнинг жами қишлоқ хўжалиги ерларидаги салмоғи 1990 йилда 68,6 фоизни ташкил қилган бўлса, 2013 йилга келиб бу кўрсаткич 67,4 фоизга тенг бўлди.

Вилоят қишлоқ хўжалигида ҳайдаладиган ерлар ўзига хос муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг жами қишлоқ хўжалиги ерларидаги улуши 30 фоизни ташкил қилади. Ҳайдаладиган ерларнинг 1990 йилда 62,1 фоизи, 2013 йилда эса 62,7 фоизи суғориладиган ерлар ҳисобига тўғри келган.

5-жадвал

**Қашқадарё вилояти туманларида суғориладиган ва лалми ерлар
ҳажмининг ўзгариши, минг гектар**

Туманлар	1990 йил			2013 йил		
	Суғори- ладиган ерлар	Лалми ерлар	Суғориладиган ерларнинг ҳайдаладиган ерлардаги улуши	Суғори- ладиган ерлар	Лал- ми ерлар	Суғориладиган ерларнинг ҳайдаладиган ерлардаги улуши
Баҳористон	23,6	-	100	-	-	-
Ғузор	31,1	27,9	51,9	31,0	25,8	54,5
Дехқонобод	4,9	42,6	10,3	1,9	42,7	4,3
Қарши	36,3	4,7	88,5	40,4	3,1	92,8
Косон	51,8	7,9	86,8	61,2	10,0	85,9
Қамаш	27,7	36,3	43,2	28,0	35,0	44,4
Китоб	12,2	9,8	55,4	11,3	11,1	51,0
Касби	41,0	-	100	43,2	-	100
Миришкор	-	-	-	54,1	-	100
Муборак	30,7	2,0	93,9	32,2	2,0	94,1
Нишон	51,6	-	100	50,4	-	100
У.Юсупов	36,6	-	100	-	-	-
Чироқчи	29,3	94,6	23,6	22,2	97,7	18,5
Шаҳрисабз	18,1	8,5	68,0	18,0	6,8	72,6
Яккабоғ	21,2	19,9	51,6	23,7	15,4	60,6
Қарши шаҳри	0,3	-	100	0,7	-	100
Вилоят бўйича	416,4	254,2	62,0	418,6	249,6	62,7

Суғориладиган ерларнинг ҳайдаладиган ерлардаги салмоғи вилоят туманлари бўйича бир-биридан фарқ қилиб, бу, энг аввало, туманларнинг

Ўзига хос географик, табиий-иқлим ва ҳудудий шароитларига боғлиқ. Хусусан, Миришкор, Нишон, Касби каби туманларда суғориладиган ерларнинг жами ҳайдаладиган ерлардаги улуши 100 фоизни ташкил қилса, Дехқонобод, Чироқчи, Қамаш, Яккабоғ каби туманларда ҳайдаладиган ерларнинг асосий қисмини лалми ерлар ташкил этади.

Суғориладиган ва лалми ерлар ўртасидаги бундай тафовут ерлардан фойдаланиш самарадорлигига, хусусан, бир гектар ердан олинадиган маҳсулот ва даромад миқдорига ўз таъсирини кўрсатади.

Шундай қилиб, Қашқадарё вилояти ер фондининг тақсимланишида юз берган ўзгаришларни таҳлил қилиш натижалари қуйидаги хулосаларга келиш имконини беради:

– Қашқадарё вилояти ер фондининг 97,6 фоизидан асосий ишлаб чиқариш фондлари сифатида фойдаланилади. Бошқача сўз билан айтганда, вилоятда мавжуд ерларнинг асосий қисми қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ерлари ҳисобланади. Бу вилоят қишлоқ хўжалик салоҳиятининг юқориликдан ва географик жиҳатдан жойлашувининг ўзига хослигидан далолат беради;

– мустақиллик йилларида вилоят ер фондининг умумий ҳажми сезиларли даражада ўзгармаган бўлса-да, унинг таркибида бирмунча ўзгаришлар юз берди. 1990-2013 йилларда қишлоқ хўжалиги ерларининг умумий ҳажми 36,2 минг гектарга ёки 1,4 фоизга қисқарди. Бу қисқариш ўрмон хўжалиги, аҳоли пунктлари, саноат, транспорт, муҳофаа ва бошқа мақсадлар учун белгиланган ерларнинг ҳам мутлақ, ҳам нисбий миқдорда ўсганлиги билан боғлиқ. Хусусан, 17,8 минг гектарга ёки 6,7 фоизга, аҳоли пунктлари ерлари 8,7 минг гектарга ёки 33,3 фоизга ўсди;

– қишлоқ хўжалиги ерларининг жами ер майдонидаги улуши туманлар бўйича бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади (Қарши шаҳрида 27,5 фоиздан Ғузор туманларида 89,5 фоизгача). Бундай тафовутнинг мавжудлиги туманларнинг ҳудудий хусусиятлари, хусусан, уларнинг урбанизациялашганлик ва ўрмон хўжалиги ерлари билан таъминланганлиги, аҳолининг зичлик даражаси ва ерларнинг рельеф тузилиши билан боғлиқ;

– Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалик ерлари таркибини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, унинг асосий қисми яйлов ва пичанзорлар ҳиссасига тўғри келади. Мазкур турдаги ерларнинг жами қишлоқ хўжалиги ерларидаги салмоғи 1990 йилда 68,6 фоизни ташкил қилган бўлса 2013 йилга келиб бу кўрсаткич 67,4 фоизга тенг бўлди. Вилоят қишлоқ хўжалигида ҳайдаладиган ерлар ўзига хос муҳим эга бўлиб, унинг жами қишлоқ хўжалиги ерларидаги улуши 30 фоизни ташкил қилади. Ҳайдаладиган ерларнинг 1990 йилда 62,1 фоизи, 2013 йилда эса 62,7 суғориладиган ерлар ҳисобига тўғри келди;

– суғориладиган ерларнинг ҳайдаладиган ерлар ҳажмидаги салмоғи вилоят туманлари бўйича бир-биридан фарқ қилиб, бу, энг аввало, туманларнинг ўзига хос географик, табиий-иқлим ва ҳудудий шароитларига боғлиқ. Хусусан, Миришкор, Нишон, Касби каби туманларда суғориладиган ерларнинг жами ҳайдаладиган ерлардаги улуши 100 фоизни ташкил қилса, Деҳқонобод, Чироқчи, Қамаш, Яккабоғ каби туманларда ҳайдаладиган ерларнинг асосий қисмини лалми ерлар ташкил этади;

– ислохотлар йилларида вилоят қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги шакллари пайдо бўлди ва қишлоқда мулкдорлар синфи шакллана бошлади. Бунинг натижасида ердан фойдаланувчиларнинг таркиби тубдан ўзгарди.


2.3. Ер ресурсларининг сифат тавсифи ва унинг экинлар таркибини жойлаштиришга таъсири

Маълумки, ерларнинг миқдори ва сифатини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ўзгариши кўп жиҳатдан унга капитал маблағларни жалб этиш билан боғлиқ бўлиб, ернинг унумдорлигини тиклаш бўйича мелиоратив, агротехник тадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, ерни табиий ресурс сифатида такрор

ишлаб чиқариш мумкин бўлмаса-да, уни унумдорлигини тиклаш ва ошириш нуқтаи назардан такрор ишлаб чиқариш мумкин.

Худудларда ердан самарали фойдаланишни таъминлашда ерни фақат миқдорий жиҳатдан ҳисобга олиш етарли эмас. Бунинг учун унинг сифат кўрсаткичларини ҳисобга олиш тақозо этилади. Бу жараён ўзининг мураккаблиги билан ажралиб туради.

Шўрланиш жараёнлари вилоят суғориладиган ерларининг 55,6 фоизиди учрайди. Кучли шўрланган тупроқлар майдони 22496 гектарни ёки вилоят суғориладиган ерларининг 4,9 фоизини ташкил этади. Ўртача шўрланган тупроқлар майдони 52409 гектар ёки 11,4 фоизини, кучсиз шўрланган тупроқлар майдони 180202 гектарни ёки 39,3 фоизини ташкил этади (2-расм). Шўрланмаган тупроқлар майдони эса 202951,0 гектарни ёки вилоят суғориладиган тупроқлари майдонининг 44,4 фоизини ташкил этади.



2-расм. Қашқадарё вилояти суғориладиган тупроқларининг шўрланиш даражаси бўйича майдонлари, фоиз ҳисобида

Вилоят суғориладиган тупроқларининг асосий қисми гумус (88,68%) билан кам таъминланган гуруҳни ташкил этиб, 11,3 фоизи ўртача ва 0,02 фоизи юқори таъминланган гуруҳларга киради. Бу ҳолат вилоят суғориладиган тупроқларида гумус миқдорини кўпайтириш учун органик ва органоминарал ўғитларни кенг қўллашни талаб этади.

Тупроқ баҳолаш ишлари натижаларига кўра вилоятда биринчи кадастр гуруҳига кирувчи ёмон ерлар учрамайди. Иккинчи кадастр гуруҳига кирувчи ўртачадан паст ерлар майдони 45008,3 га бўлиб, суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин ерлари майдонининг 9,8 фоизини ташкил этади. Бу гуруҳ тупроқлари вилоятнинг барча туманларида учрайди.

Учинчи кадастр гуруҳига кирувчи сифати ўртачадан паст ва ўртача ерлар майдони 313427,1 га бўлиб, суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин ерларининг 68,5 фоизини ташкил қилади. Бу гуруҳ тупроқлари вилоятнинг барча туманларида учрайди.

Тўртинчи кадастр гуруҳига кирувчи сифати ўртачадан юқори ва яхши ерлар майдони 92589,08 га бўлиб, вилоят суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин ерлари майдонларининг 20,2 фоизини ташкил этади. Бу гуруҳ тупроқлари Қарши шаҳри ҳудудидан ташқари барча туманларда тарқалган.

Бешинчи кадастр гуруҳига кирувчи сифати яхши ва энг яхши ерлар майдони 7036,3 гектардан иборат бўлиб, вилоят суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин ерлари майдонларининг 1,5 фоизини ташкил этади (6-жадвал).

Тупроқ-баҳолаш ишлари натижаларига кўра, Косон туманидаги 66408,7 гектар суғориладиган қишлоқ хўжалик ер майдонларининг ўртача бонитети 50 балл билан баҳоланиб, 1999 йилга нисбатан 3 баллга, Миришкор туманидаги 58571,4 гектар ер майдонларининг ўртача бонитети 46,7 балл билан баҳоланиб, 1999 йилга нисбатан 4,7 баллга, Нишон туманидаги 53939,7 гектар ер майдонларининг ўртача бонитети 47,3 балл билан баҳоланиб, 1999 йилга нисбатан 3,4 баллга, Китоб туманидаги 15981 гектар ер майдонларининг ўртача бонитети 64,5 балл билан баҳоланиб, 1999 йилга

нисбатан 0,5 баллга, Чирокчи туманидаги 25434,6 гектар ер майдонларининг ўртача бонитети 59,7 балл билан баҳоланиб, 1999 йилга нисбатан 1,7 баллга, Ғузор туманидаги 32764.3 гектар ер майдонларининг ўртача бонитети 53,4 балл билан баҳоланиб, 1999 йилга нисбатан 1,4 баллга, Дехқонобод туманидаги 2245.5 гектар ер майдонларининг ўртача бонитети 52,1 балл билан баҳоланиб, 1999 йилга нисбатан 0,1 баллга, Қамаш туманидаги 30089,1 гектар ер майдонларининг ўртача бонитети 55,0 балл билан баҳоланиб, 1999 йилга нисбатан 2,0 баллга ошди. Вилоят суғориладиган ерларининг ўртача бонитети 52,3 баллни ташкил этиб, 1999 йилга нисбатан 1,3 баллга ошди.

Қашқадарё вилояти суғориладиган тупроқларининг сифат баҳоси

(2013 йил 01 январ ҳолатига)

суғориладиган жами қ/х ерлари, майдони га

Т/р	Туманлар	Кадастр гуруҳлари										Жами	Ўртача балл	Ўртача балл 1999 йил
		ёмон ерлар		ўртачадан паст ерлар		ўртача ерлар		яхши ерлар		энг яхши ерлар				
		Кадастр класслари												
		I-класс	II-класс	III-класс	IV-класс	V- класс	VI-класс	VII-класс	VIII-класс	IX-класс	X-класс			
		БОНИТЕТ БАЛИ												
		0-10	11-20	21-30	31-40	41-50	51-60	61-70	71-80	81-90	91-100			
1	Косон				2195,3	45305,7	12713,9	4478,5	1360,5	354,6		66408,7	50	47
2	Миришкор				7999,9	39123,9	9721,4	1522,1	203,9			58571,4	46,7	42
3	Нишон			122,2	7533,1	33326,3	9815,7	2451,1	635,8	55,5		53939,7	47,3	43,9
4	Китоб				325,2	866	4179,9	4530,8	4679,2	1399,9		15981	64,5	64
5	Чирокчи				98,5	4537,6	7831,8	8650,3	3892,6	423,6		25434,6	59,7	58
6	Ўзор				540,8	14894,4	10644,3	4854,2	1830,7			32764,3	53,4	52
7	Дехконобод				448	582,6	931,1		283,8			2245,5	52,1	52
8	Қамаши				1050,1	11203,6	7960,7	8005	1785,4	84,3		30089,1	55	53
9	Қарши.ш				59,8	60,2						120	40,1	40
10	Шахрисабз				1052,9	1159,6	1008,6	8257,7	7028,6	3519,7		22027,2	69	69
11	Яккабўғ				130,5	5696,3	11552,4	8744,4	2433	1135,9		29692,5	60	59
12	Касби				1260,1	18372,9	14656,8	10367	1622,6	62,8		46342,2	55	53
13	Муборак			977	12993	13804	3469	1396	0	0		32639	43	43
14	Қарши				8222	15469	14539	2725	851	0		41806	49	49
Вилоят бўйича:				1099,2	43909,1	204402,6	109024,6	65981,9	26607,1	7036,3		458060,9	52,3	51

Биринчи кадастр гуруҳига (I ва II синфлар) янги ўзлаштирилган, кам ривожланган хоссаларга эга, кучсиз ва унумдорлиги паст бўлган, маданий ўсиш учун зарурий озуқа моддалари кам, тупроқ шароитлари паст ерлар киритилган. Лекин бундай ерлар вилоятда учрамайди.

Иккинчи кадастр гуруҳига (III ва IV синфлар) янгидан суғорилган ерларнинг катта қисми, фаол ўзлаштирилаётган ва маданийлаштирилаётган ерлар киради. Бундай ерларнинг табиий хоссалари етарли даражада турғун бўлиб, уларнинг барча майдонлари суғоришга яроқли ҳисобланади, аммо экиладиган экин турлари чекланган. Тупроқлар шўрланган, шамол эрозиясига учраган, сифати бўйича ўртачадан паст бўлиб 21-40 балл билан баҳоланади.

Мазкур гуруҳда асосий экин ҳисобланган пахтанинг меъёрий ҳосилдорлиги 12,0 центнерни ташкил этгани ҳолда ўзгарувчандир. Бу майдонларни ҳосилдорлигини ошириш учун ерларни текислаш, шўрини ювиш, органик ўғитлар билан бойитиш, кўп йиллик ўтлар ва сидератлар экиш ва бошқа агротехник тадбирларни амалга ошириш зарур. Вилоят бўйича бу гуруҳга кирган ерларнинг умумий майдони 75432 гектар бўлиб, жами суғориладиган ерларнинг 16,9 фоизини ташкил этади. Бундай ерлар вилоятнинг барча туманларида мавжуд бўлиб, айниқса Миришкор, Қарши туманларида уларнинг майдонлари анчагинадир.

Учинчи кадастр минтақасига (V ва VI синфлар) етарли даражада маданийлашган, янгидан ва қисман эскидан суғориладиган ерлар киритилган. Бу майдонлар тупроқларининг сифати ўртача, бонитети 41-60 баллни ташкил этади. Бундай ерларда ҳудуднинг захини қочириш, шўрини ювиш, эрозияга қарши агротехник тадбирлар ўтказиш, ерлардан тўғри фойдаланишнинг замонавий технологияларини қўллаш орқали тупроқларнинг ижобий хусусиятлари пайдо бўлишига эришиш мумкин. Агарда бу ерлардан нотўғри фойдаланилса маданийлаштириш жараёни тўхтаб қолиши билан бир қаторда, тупроқлар деградацияси бошланиши, гумус ва озуқа элементларининг

пасайиши, нишабли ерларда эрозиянинг бошланиши ва тупроқ унумдорлигининг пасайиб кетиши кузатилгани қатор тупроқшунос олимлар томонидан тасдиқланган. Бу синфга мансуб тупроқлар ирригация эрозиясига ҳамда иккиламчи шўрланишга кам учраши билан ҳам бошқа тупроқлардан фарқ қилади. Вилоят бўйича бундай ерларнинг умумий майдони 286392 гектарни, яъни жами суғориладиган ерларнинг 64,3 фоизини ташкил этади. Бундай ерлар ҳам вилоятнинг барча туманларига тарқалган бўлиб, унда экиладиган пахтанинг ҳосилдорлиги ўртача 20,0 центнерни ташкил этгани ҳолда маданийлаштириш чуқур олиб борилмаганлиги боис табиий унумдорлик турғун эмас.

Тўртинчи кадастр минтақасига (VII ва VIII синфлар) қадимдан маданийлаштирилган воҳа тупроқлари киради. Бу майдонлар тупроқларининг бонитети 61-80 баллни ташкил этади. Бундай ерлар одатда эскидан ва янги суғорилаётган, баъзан ўртача даражада маданийлашганлиги сабабли, тупроқларнинг хоссалари сезиларли даражада яхшиланган, унумдорлиги юқори далалар яхши текисланган ва механизация билан қайта ишлов бериш анча қулай. Тупроқлар унумдорлигини ва ишлаб чиқариш имкониятларини пасайтирувчи омилларнинг, яъни гумус миқдорининг пастлиги, озуқа моддаларининг камлиги, ирригация ва шамол эрозияси ҳамда иккиламчи шўрланишнинг таъсири бу синфга кирган тупроқларда жуда кам. Бу синфга кирадиган майдонларга қишлоқ хўжалик экинларининг барча турларини, жумладан, пахта–беда алмашлаб экиш мажмуасига кирадиган экинларни экиш ҳамда меъёрлардаги агротехник тадбирлар ёрдамида юқори ҳосил етиштириш мумкин.

Шуни айтиш мумкинки, бу синфга кирадиган тупроқлар тарқалган ерларга қилинган харажатлар ўзини оқлайди, асосий экин ҳисобланган пахтанинг ўртача меъёрий ҳосилдорлиги гектарига 25,0 центнер бўлиб, сифати паст ерларга нисбатан моддий ва меҳнат харажатларини кам талаб қилади. Ушбу синфга кирган ерларнинг умумий майдони 75378 гектарни

ташқил этган. Бу вилоятдаги жами суғориладиган ерларнинг 16,9 фоизини ташқил этади ва бундай майдонлар асосан вилоят туманларининг қадимдан суғориладиган ҳудудларида тарқалган. Жумладан, бундай ерларнинг нисбатан катта майдонлари Шахрисабз, Яккабоғ, Қамаш, Ғузор, Касби, Китоб ва Косон туманларида мавжуд. Айниқса Шахрисабз ва Китоб туманларида бундай майдонлар жами суғориладиган ерларнинг деярли ярмидан ортиғини ташқил этади. Бу синфга кирган ерлар вилоятнинг асосий деҳқончилик ерлари ҳисобланади.

Бешинчи кадастр минтақасига қадимий шаҳарлар ва қишлоқлар атрофидаги, юқори даражада маданийлашган ерлар киритилган. Бу тупроқлар энг юқори унумдорликка эга бўлганлари ҳолда асосий хоссалари турғунлиги, ўзгармаслиги билан ажралиб туради. Бу ерларда тарқалган тупроқлар сифатига ташқи салбий омиллар унчалик таъсир кўрсатмайди, натижада олинадиган ҳосилдорлик ҳам бирмунча турғун. Бу кадастр минтақасига IX синфдаги ерлар бириктирилган бўлиб, унинг бонитети 81-90 баллга тенг. Меъёрий пахта ҳосилдорлиги гектарига 36,0 центнергача. Бир центнер пахта маҳсулотини етиштиришга сарфланадиган харажатлар ўртача кўрсаткичдан 30,0-35,0 фоиз кам. Ушбу минтақага кирган ерларнинг умумий майдони вилоят бўйича жами 8177,0 га ни ташқил этади. Бу кўрсаткич вилоятда жами суғориладиган майдонларнинг 1,83 фоизига тўғри келади. Бундай ерларнинг нисбатан катта майдонлари Шахрисабз ва Яккабоғ туманларида, кичикроқ майдонлари Китоб, Косон, Ғузор ва Чироқчи туманларида тарқалган. Бу синфга кирган ерлар алоҳида қийматга эгаллиги, юқори маҳсулдорлиги, маҳсулот етиштиришга сарфланадиган харажатларнинг маҳсулот бирлигига нисбатан анча пастлигини эътиборга олиб агротехник ишлов даражасини такомиллаштириш, экологик тозаллигини таъминлаш ва бундай ерлардан фақатгина қишлоқ хўжалигида фойдаланиш зарур.

Х синфдаги ерларнинг бонитет балли 91-100 баллга тенг. Меъёрий пахта ҳосилдорлиги 36,0 центнердан юқори. Бир центнер пахта маҳсулотини етиштиришга сарфланадиган харажатлар ўртача кўрсаткичдан 30,0-35,0 фоиз кам. Лекин вилоятда 90-100 баллик ерлар йўқ.

Юқоридаги маълумотлардан кўринадики, умуман бугунги кунда вилоятнинг жами суғориладиган майдонларининг 81,2 фоиздан ортиғини III-VI синфга кирувчи ерлар ташкил этади. Бу майдонлар айниқса охириги 15 йилда анчагина кўпайди. Масалан, маълумотларга қараганда 1985-1986 йиллари III-VI синфларга кирувчи ерлар суғориладиган ерларнинг 72,2 фоизини, бошқа ерлар эса VII-VIII синфларни ташкил этган. Бу ачинарли ҳолат, албатта. Кейинги йилларда вилоятда суғориладиган майдонларнинг аксарият қисми турлича шўрланишга учраган.

Маълумки, 1970 йилларда республикамизнинг қатор вилоятларида, хусусан Қашқадарё вилоятида ҳам янги ерларни ўзлаштириш жадал суръатлар билан амалга оширилди. Натижада суғориладиган ер майдонлари йил сайин кўпайиб борди ва бу жараён 1990 йилларга қадар давом этди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин суғориладиган ерларни қайта тиклаш учун зарур бўлган молия маблағлари йил сайин камайиб бориши қатор муаммоларни пайдо қилди. Хусусан, сув хўжалиги мелиоратив тизимларидан фойдаланиш коэффициенти тушиб, қишлоқ хўжалиги экинлари қатор ораларига ишлов бериш техникалари сони камайиб борди. Бу эса ўз навбатида агротехник тадбирларни ўтказиш имкониятларини чеклаб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлашувига олиб келди.

2.3. Ҳудудда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигининг ҳозирги ҳолати

Республикамиз аграр соҳасида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш турли мулкчиликка асосланган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барпо этиш ва шу асосда бозор муносабатларини

шакллантириш, тармоқда соғлом иқтисодий рақобат муҳитини яратиш орқали мавжуд меҳнат, ер-сув ресурслари ва асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўналишида олиб борилмоқда.

Ислохотларнинг дастлабки босқичидан бошлаб ер ислохотини ўтказишга алоҳида эътибор берила бошланди. Бу амалиётда ер майдонларини ердан фойдаланувчи турли мулк субъектлари ўртасида қайта тақсимлаш йўли билан амалга оширилди. Қишлоқда хусусий секторни ривожлантириш учун ерлар, энг аввало, шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгаларига ажратиб берилди. Кейинчалик улар деҳқон хўжаликларига айлантирилди. Ер участкалари уларга мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод бириктириб қўйилди. Айни вақтда фермер хўжаликларини ривожлантириш учун фермерларга ерлар узоқ муддатли ижара тамойиллари асосида камида 10 йил, аммо кўпи билан 50 йил муддатга ажратиб берилди.

Кейинчалик республика қишлоқ хўжалигида босиб ўтилган иқтисодий ислохот босқичлари ва хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда мулк пайларни жорий этиш тажрибасини умумлаштириш йирик, ўрта ва кичик қишлоқ хўжалиги корхоналарининг биргаликда фаолият кўрсатиши мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди. Шу сабабли иқтисодий тажрибалар натижасига кўра хўжалик юрителининг истиқболли шакллари аниқланди: йирик товар ишлаб чиқарувчилар – қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлар), ўрта товар ишлаб чиқарувчилар – фермер хўжаликлари, майда товар ишлаб чиқарувчилар – деҳқон хўжаликлари. Институционал ва қонуний асос эса уларнинг фаолият кўрсатиши учун зарурий қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилди.

Шу муносабат билан Олий Мажлиснинг IX сессиясида (1998 йил 28-30 апрель) Ўзбекистон Республикасининг “Ер Кодекси тўғрисида”ги, “Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. Қишлоқ хўжалигида янги хўжалик юрители субъектларини ташкил этиш ва

фаолият кўрсатишининг асосий ҳуқуқий жиҳатлари ушбу қонунларда ишлаб чиқариш, иқтисодий ва меҳнат муносабатларини тубдан ўзгартиришга қаратилган ва қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш ва ривожлантиришга кенг йўл очиб берилди.

Шуни қайд этиш лозимки, хўжалик юритишнинг ҳар уччала шаклида ҳам мол-мулк ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотга мулкчилик масаласи ҳал этилди.

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) – аъзоларининг мулкӣ пайларига асосланиб, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар белгиланган мақсадда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш учун доимий эгалик қилишга берилади. Бундай ерлар оила (жамоа) пудрати асосида узоқ муддатга деҳқонларга далолатномалар асосида бириктирилиб, харажатларни назорат қилишнинг чек усули тўлиқ жорий этилади.

Фермер хўжалиги ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъектдир. Аксарият ҳолларда фермер хўжаликлари оилавий асосда ташкил этилиб, унинг аъзоларига фермер хўжалигини биргаликда юритаётган, бу хўжаликдаги иш ўзининг асосий меҳнат жойи бўлган фермер хўжалигининг бошлиғи, унинг хотини, болалари, шу жумладан, фарзандликка олинган болалари, тарбияга олинган болалари ва меҳнатга лаёқатли бўлган бошқа шахслар киради. Фермер хўжаликлари шартномалар асосида ташқаридан ишчилар ёллаши ҳам мумкин.

Деҳқон хўжалиги эса оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида мерос қилиб умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва бозорларда ортиқча етиштирилган маҳсулотларини

сотади. Қонун бўйича деҳқон хўжаликларининг ёлланма меҳнатдан фойдаланиши бирмунча чекланган бўлиб, ҳуқуқий шахс мақомини олган ҳолда ёки олмасдан фаолият юритиши мумкин. Деҳқон хўжалиги суғориладиган майдонларда республикамиз ҳудудларининг ер ажратиш имкониятларига боғлиқ равишда 0,35 гектаргача, суғорилмайдиган ерларда 0,5 гектаргача бўлган ўлчамларда, чўл минтақаларида эса 1 гектаргача майдонларда ташкил этилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Қашқадарё вилоятида деҳқон ва фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда ўзига хос мўҳим ўрин эгаллайди. Мазкур хўжаликлар фаолияти учун ҳуқуқий асоснинг яратилиши натижасида вилоятда яратилаётган ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ва алоҳида экин турларининг сезиларли қисми улар томонидан яратилмоқда.

Юқоридаги таҳлиллардан шундай хулоса чиқаришимиз мумкинки, фермер хўжаликларида ердан фойдаланиш самарадорлиги талаб даражасидан анча паст. Бундай ҳолат энг аввало қуйидаги омиллар билан изоҳланади:

- фермер хўжаликларида ажратиб берилган ерларнинг унумдорлик даражаси нисбатан анча паст;
- фермер хўжаликлари кўп ҳолларда ўзларига ажратиб берилган ер майдонларидан мустақил фойдалана олмаяптилар;
- фермер хўжаликларида агротехник ва технологик жараёнларни ўз вақтида амалга ошириш учун техника воситалари етишмайди. Туман МТПларида мавжуд техника воситаларининг етишмаслиги туфайли фермер хўжаликларида энг охирги навбатда хизмат кўрсатмоқдалар. Бу ўз навбатида фермер хўжаликларининг ердан самарали фойдаланишларига салбий таъсир кўрсатмоқда;
- фермер хўжаликларида қонунда кўзда тутилган миқдорда ер ажратиб берилмаслик ҳолатлари кузатилади ва ҳ.к.

Бизнинг фикримизча, фермер хўжаликларида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- фермер хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи хизмат кўрсатиш тизимини бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш;

- фермер хўжаликларига ажратиб берилаётган ерлардан фойдаланишда, экинлар таркибини танлашда қонунчиликда кўзда тутилган эркинликларни тўлиқ таъминлаш;

- ердан фойдаланиш самарадорлигини оширганлиги ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаганлигидан фермер хўжаликларининг манфаатдорлигини ошириш;

- фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш;

- фермерларнинг билим ва касбий тайёргарлигини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш ва бошқалар.

Деҳқон хўжаликларида ердан фойдаланиш самарадорлигининг бошқа хўжалик юритиш шакллариغا нисбатан юқорилиги деҳқон хўжаликларининг мулкка, ерга ва етиштирилган маҳсулотга эгалик ҳисси ва ишончининг ортиб бориши ва шу асосда меҳнатга бўлган муносабатнинг ўзгариши билан тушунтирилади.

Деҳқон хўжаликларида ердан фойдаланиш самарадорлигининг юқори бўлишига қуйидаги омиллар ижобий таъсир кўрсатди:

- деҳқон хўжаликлари мустақил товар ишлаб чиқарувчи бозор субъекти сифатида фаолият юритиши учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган;

- деҳқон хўжаликлари тўлиқ хусусий мулк асосида фаолият юритиши уларга мустақил равишда барча хавф-хатарларни ўз зиммаларига олган ҳолда бозорларни ва экин турларини танлаш имкониятини беради;

- деҳқон хўжаликларига ер майдонларининг мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод эгалик қилишга берилиши уларга ерларнинг мелиоратив

ҳолатини яхшилаб боришга ва тупроқлар унумдорлигини оширишга ундайди;

- деҳқон хўжаликларида ердан самарали фойдаланиш ва моддий манфаатдорлик ўртасида бевосита боғлиқлик таъминланган ва ҳоказо.

III-БОБ. МИНТАҚАДА ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш

Маълумки, ер ресурслари миллий хўжалик ишлаб чиқаришнинг жойлашувига ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда асосий восита ҳисобланади.

Шу мақсадда мустақиллик йилларида мамлакатимизда ер муносабатларини тартибга солишга доир қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўпламида асосий масала сифатида турли тоифадаги ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, ундан оқилона фойдаланишлари, унинг ҳосилдорлигини ошириш, ерларнинг қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришдан чиқиб кетишни ҳамда зарарли моддалар билан фойдаланишини олдини олиш чораларини кўриш ўз вақтида агротехник ва бошқа чора-тадбирларини кўриш вазифалари юклатилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг тўлиқ ташкилий-ҳуқуқий пойдевори яратилган деб айтиш мумкин. Чунки мустақиллик йилларида қабул қилинган меърий ҳужжатлар ер ресурсларидан фойдаланишнинг нафақат ҳуқуқий, балки унинг ташкилий механизмини ҳам вужудга келтиради. Жумладан, қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси”, “Ер кодекси”, “Давлат ер кадастри тўғрисида” мамлакатда ер ресурсларидан фойдаланишнинг ягона бир тизим шаклидаги ҳуқуқий механизм асосини ташкил қилади. “Қишлоқ хўжалик кооперативи, ширкат хўжалиги тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Ижара хўжалиги тўғрисида”ги қонунлар эса ердан фойдаланишнинг ташкилий механизми асосларини ўзида мужассам этади.

Қабул қилинган мазкур қонун ҳужжатлари аграр соҳада кўп укладли иқтисодий шакллантириш имконини бериб, қишлоқ хўжалиги юритувчиларни ишлаб чиқариш ҳажмлари ва бу жараёнда жалб қилинажак меҳнат ресурсларининг характериға кўра уларни уч гуруҳға бўлди.

Биринчи гуруҳ - йирик товар ишлаб чиқарувчилар бўлиб, унда ширкат жамоа хўжаликлари, иккинчи гуруҳ - ўрта товар ишлаб чиқарувчилар бўлиб, унда фермер хўжаликлари ва учинчи гуруҳда кичик товар ишлаб чиқарувчилар сифатида деҳқон хўжаликларини ўз ичига олди.

Шунингдек, уччала гуруҳ товар ишлаб чиқарувчиларининг ихтисослашуви ҳам қонунчилик ислохотлари даврида тўлиқ шаклланди. Унга кўра йирик товар ишлаб чиқарувчиларнинг, энг аввало, пахтачилик ва ғаллачилик маҳсулотларини етиштиришға ихтисослашуви мақсадға мувофиқлиги кўзда тутилган. Ўрта товар ишлаб чиқарувчилар, айниқса, чорвачилик ва айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ихтисослашадилар. Кичик товар ишлаб чиқарувчиларнинг эса мева-сабзавотчилик, узумчилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириши белгиланган.

Аграр соҳада қабул қилинган ер муносабатлари қонунчилиги ягона тизим сифатида ва мамлакатда шаклланган шарт-шароитлардан келиб чиқиб миллий иқтисодий барқарор ривожланиш асосини таъминлаш мақсадида қуйидаги тамойилларни олдинға сурди:

- ер ресурслари мамлакат бойлиги ва уни ҳар томонлама муҳофазалаш ердан фойдаланувчиларнинг асосий вазифаси ҳисобланади;

- ердан фойдаланиш ижара муносабатлари асосида ташкил этилади ва унга эғалик қилиш жараёнлари давлат қонунчилиги томонидан кафолатланади;

- қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатувчи турли укладлардаги барча хўжалик юритувчиларнинг ердан фойдаланиш ва унга эғалик қилишда тенг шароит яратиш давлат томонидан таъминланади;

- ернинг мелиоратив ҳолатини агротехник тадбирлар ўтказиш орқали мутассил яхшилаб бориш, унинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган илғор агромелиоратив технологияларни кенг жорий этиш қишлоқ хўжалик субъектларининг мажбуриятлари деб белгиланади.

Бугунги кунда ер ресурсларидан фойдаланишнинг ташкилий жиҳатлари нисбатан шаклланган ва қарор топган бўлса-да, лекин унинг ҳуқуқий жиҳатларида бир мунча камчиликлар кўзга ташланади. Бизнинг фикримизча, ушбу камчиликлар асосан ердан фойдаланиш амалиётини ташкил этиш билан боғлиқ шартномалар тузиш тизимида кўплаб учрамоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 49-моддасида “қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)-товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш мақсадида пай усулига асосланган қишлоқ хўжалиги корхонасининг асосий ташкилий-ҳуқуқий шакли ҳисобланади”¹⁰ деб белгилаб берилган.

Мазкур ширкат хўжалиги ер фонди унинг ишлаб чиқариш фаолиятида иштирок этувчи аъзолари, яъни мулкӣ пай эгалари улушларидан ташкил топади.

Бунда қишлоқ хўжалик ерларини тақсимлашда ширкат хўжаликлари йирик ер эгалари сифатида алоҳида ўрин эгаллайди ва бошқа хўжалик юритиш шаклларининг пайдо бўлиши шарт-шароитларига бевосита таъсир кўрсатиш имкониятига эгадир. Ер кодексининг 49,51-моддаларида кўзда тутилганидек, ширкатлар ерни ички шартномалар бўйича оила пудратига бериш муносабатларини белгилаб беради. Худди шу қонуннинг 53-моддасида ширкат ерлари фермер хўжалиги учун узоқ муддатли ижарага шартнома асосида берилиши кўзда тутилган¹¹.

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Ер муносабатларини тартибга солишга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. Тошкент: 2000, Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари давлат қўмитаси “Ер сервис” нашриёти. 55 бет.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Ер муносабатларини тартибга солишга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. Тошкент: 2000, Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари давлат қўмитаси “Ер сервис” нашриёти. 55-61 бетлар.

Қонуннинг 55-моддаси эса ширкатнинг ўз аъзоларига деҳқон хўжаликларини юритиш учун шартнома бўйича ер участкалари берилишини белгилаб беради. Кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ажратилган ерларни тақсимлашда ширкат хўжаликлари бирламчи ер эгалари сифатда юқори ҳуқуқларга эга. Қонун моддаларида белгиланганига кўра шартнома асосида оилавий пудрат аъзолари, фермер хўжаликларига ажратилаётган ерлардан фойдаланиш ва эгалик қилиш шартлари ва тартиблари қонун ҳужжатлари билан белгиланади, деб кўрсатилган.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш даврида соҳа субъектлари фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатдики, ер муносабатларини ташкил этиш жараёни ниҳоятда мураккаб ва кўплаб омиллар таъсирида бўлганлиги сабабли бу борада турли қонунбузарлик ва камчиликлар вужудга келишини таъминлаб бермоқда. Аграр соҳада бозор муносабатлари шароитига мос юқори малакали кадрларнинг етишмаслиги ҳам ушбу жараённинг объектив равишда самарасини пасайтирмоқда.

Бугунги кунда аграр соҳада ер муносабатларини ташкил этишда тузилаётган шартномаларда қуйидаги камчиликлар хос деб ҳисоблаймиз:

- ердан фойдаланиш бўйича тузилаётган шартномаларнинг аксариятида шартлар ягона меъёрий ҳолатлардан келиб чиқиб белгиланади. Ваҳоланки, шартнома шартларини белгилашда муайян ер ҳолати, ердан фойдаланувчилар, минтақа ёки ер таркиби хусусиятлари натижасида дифференциал ёндашув мақсадга мувофиқ;

- шартномалар тузиш жараёнига юзаки ёндашувлар мавжуд бўлиб, кўп ҳолларда шартномаларга хос барча шартлар тўлиқ ҳолда белгиланмаслик ҳолатлари кўплаб учрайди;

- кўп ҳолларда шартномада белгиланган ҳосилдорлик кўрсаткичлари ҳақиқатда эришиш мумкин бўлган кўрсаткичдан анча юқори белгиланмоқда. Натижада маҳсулот етиштирувчида ташаббускорлик руҳи, моддий манфаат ва рағбатлантириш ҳисси шаклланишига салбий таъсир этмоқда:

- шартнома шартларида томонлар жавобгарлиги аниқ белгиланмаслиги ердан фойдаланиш самарадорлигини кескин пасайишига олиб келмоқда. Шунингдек, томонлар жавобгарлигини амалга ошириш механизми ҳам такомиллаштиришни талаб қилади;

- шартномада белгиланган барча шартларни тўлиқ бажармаслик ва бунда турли объектив ва субъектив сабабларини рўқач қилиш ҳоллари шартномани имзолаган иккала томондан кенг учрайдиган ҳодисага айланган.

Жаҳон тажрибаси таҳлили шуни кўрсатадики, ерга эгалик қилиш ва уни тақсимлаш жараёнларидаги аниқлик ва адолат тамойилларини жорий этилиши нафақат ердан фойдаланиш самарадорлигининг ошишига олиб келади, балки бутун қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда мустаҳкам асос яратиб беради.

Ўзбекистон аграр соҳа амалиётида эса, ер эгалари ҳуқуқларини бир томондан, хўжаликлар ва иккинчи томондан маҳаллий ҳокимият ихтиёрига топширилганлиги ушбу жараён таъсирчанлиги пасайтириб, улар томонидан ҳуқуқларни суистеъмол қилинишига олиб келади. Иккинчи томонидан, ерни тақсимлаш жараёнида одатда ердан фойдаланиш самарадорлиги даражасини инкор этиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Масалан, бизнинг фикримизга кўра ердан самарали фойдаланаётган ва рентабел фаолият юритаётган ширкат хўжалиги ерларининг фермерларга тақсимлаб берилиши қишлоқ хўжалиги ривожланиши нуқтаи назаридан стратегик хато ҳисобланади. Ўз навбатида ердан фойдаланиш самарадорлигини йилдан йилга пасайишга йўл қўяётган ширкат хўжалиги корпоратив манфаатидан келиб чиқиб ерни фермер фойдасига тақсимлаш жараёнларига тўсқинлик қилиш ҳоллари кузатилади.

Мазкур ноаниқликлар ҳаракатда бўлган қонун ҳужжатларида ҳам ўз аксини топган. Чунончи, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 10-моддасида белгиланишига кўра, фермер хўжаликлари учун ер участкалари ширкат хўжалиги бошқаруви қарорига асосан ажратиб бериш қайд этилган. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида ер участкалари

фақат уларнинг эгалари томонидан берилиши ва бунда ерга эгалик ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари чекланганлиги кўрсатиб ўтилган. Ширкат хўжалиги ердан фойдаланувчи сифатида уни бошқа хўжалик юритувчиларига беришда юридик ҳуқуққа эга эмасдирлар. Чунки ер кодексининг 49-моддасида “қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) кооператив (ширкат)нинг ишлаб чиқариш фаолиятида, асосан оила (жамоа) пудрати асосида шахсан иштирок этувчи мулк пай эгалари бўлган аъзоларини бирлаштиради” деб белгилангани ҳолда 51-моддасида “... ер участкалари, қоида тариқасида, ... оила пудрати шартномаси шартлари асосида берилади” деб айтилиши билан бирга шу модданинг ўзида “Пудрат шартномаси асосида олинган ер участкаларини ижарага ёки ёрдамчи пудратга бериш тақиқланади” деб ширкат хўжалигини ерларни ажратиб бериш имкони қатъий чеклаб қўйилган. Шундан келиб чиқиб, қонунчиликда ерларни фермер ва бошқа қишлоқ хўжалик субъектларига ажратиш муносабатларида аниқлик киритиш мақсадида мутлақ ваколатини ер эгаси мақомига эга бўлган маҳаллий ҳокимият органи, туман ҳокимлигига бириктирилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Вилоятда ердан фойдаланиш самарадорлиги ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, шунингдек, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, экинларни парваришлаш жараёнидаги технологик жараёнларга тўлиқ амал қилиш ва қишлоқ хўжалиги соҳасига хос бўлган объектив омиллар таъсирини илмий асосланган тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали камайтириш чораларини ҳам кўзда тутати.

Тупроқнинг унумдорлигини муттасил тиклаб бориш Қашқадарё вилоятида унинг ҳудудий хусусиятларидан келиб чиқиб, айниқса, долзарб масалага айланган. Тупроқ унумдорлигини тиклашда тизимли ёндашувни ташкил этиш вилоят қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш самарадорлигини оширувчи асосий вазифалардан биридир.

Вилоят ерлари таркибида шўрланган ва шўрланишга мойил ерларнинг улуши анча катта ҳисобланади. Бу эса экинлар ҳосилдорлигининг пасайишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Шу сабабдан вилоят тупроқ таркибини муттасил кузатиб боровчи мониторинг тизимини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Ернинг мониторинги билан шуғулланувчи тузилма кўрсаткичларига кўра вилоятда ерларни шўрланишига йўл қўйилмаслик ва шўрланиб улгурган ер майдонларнинг шўрини ювиш тадбирларини олиб бориш мақсадга мувофиқ. Бу эса ушбу жараённинг таъсирчанлиги, тезкорлиги ва самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Юқорида айтилган чора-тадбирларнинг ташкил этилишини марказлаштириш ушбу йўналишга ажратилаётган молиявий маблағлардан унумли фойдаланиш имконини беради. Чунки, мелиоратив чора-тадбирлар жуда катта маблағларни талаб қилиб, яқин истиқболда хўжалик юритувчилар учун бундай харажатларни амалга ошириш уларнинг иқтисодий манфаатларига зид келиши мумкин.

Вилоят қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини оптималлаштириш мақсадида тупроқ сифат таркиби ва ҳудудий жойлашувидан келиб чиқиб маълум даражада хўжалик юритувчиларнинг ихтисослашуви бўйича аниқ тартибларни ишлаб чиқиш ва белгилаш мақсадга мувофиқ. Жумладан, вилоят қишлоқ хўжалиги ер ва сув ресурслари бошқармаси мониторинги хизмати тадқиқотлари натижалари ва тавсияларига кўра экин экишда ихтисослашувнинг илмий асосланган йўналишларини белгилаш минтақа ерларидан самарали фойдаланиш даражасига ижобий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, ушбу жараёнда ташкил этилаётган турли мулкчилик шаклларида бўлган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг ихтисослашув йўналишларини ҳисобга олиш лозим.

Ушбу ташкилий-иқтисодий тадбирларни амалга ошириш вилоят ерларидан фойдаланиш самарадорлигининг юқори даражаларини таъминлашга йўналтирилган бўлиб, ўз навбатида ерларни мелиоратив

ҳолатини яхшилаш ва қўшимча ирригация-мелиорация тадбирларини тизимли жорий этишни кўзда тутати.

Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари ҳар қандай қишлоқ хўжалиги корхонаси учун ташкилий жиҳатдан ниҳоятда мураккаб ва катта молиявий ресурсларни талаб қилишини ҳисобга олган ҳолда бу жараёнда марказлашган молия ресурслари ва маҳаллий бюджет имкониятларининг оптимал мутаносиблигини таъминлашга эришиш лозим.

Ажратилаётган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида улардан мақсадли фойдаланишни ташкил этиш механизмини такомиллаштириш бугунги кунда вилоятда амалга ошириш лозим бўлган энг муҳим вазифалардан биридир. Жумладан, вилоятнинг чўл зоналарида суғоришнинг янги технологик услубларини жорий этиш тупроқнинг сифатини муҳофазаловчи аҳамият касб этади.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, томчилаб суғориш технологияси суғоришга ажратилаётган сув ресурслари ҳажмини 30-50 фоизгача тежаш билан бирга тупроқ таркибида шаклланаётган шўрланиш жараёнининг кескин секинлашувига ёки бутунлай бартараф этишга имкон беради. Демак, суғоришни янги технологик услубларини биринчи навбатда чўл зоналарида оммавий равишда жорий этишнинг вилоят бўйича дастурини ишлаб чиқиш, унинг молиявий манбалари, босқичлари ва назорат қилиш тадбирларини кечиктирмасдан қабул қилиш лозим. Ушбу дастур бугунги кунда вилоятда ишлаб чиқилган агротехник ва мелиоратив тадбирлар дастурининг ажралмас ва устувор йўналиши сифатида қабул қилиниши унинг таъсирчанлиги ва самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича ҳуқуқий ва меъёрий асослар мавжуд, аммо «Ер кодекси» қабул қилиниб, ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликларига ерларни ижарага бериш муддати ва механизми ишлаб чиқилган бўлса-да, бу механизм етарли даражада ишlamаяпти.

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, ерга ижара ҳақи тўлаш ва узоқ муддатга ижарага олингандан сўнг ерга бўлган эгалик механизми мукаммал эмас. Ягона ер солиғи билан ижара ҳақи бир-бири–билан аралаштириб юборилган. Шуни ҳисобга олиб, ерга ижара ҳақи тўлаш ва ернинг баҳосини аниқлаш механизми, шунингдек, ижарага олинган ерни кредит олиш учун гаровга қўйиш механизмини ишлаб чиқиш лозим.

Бу ишларни амалга ошириш деҳқонларда ерга бўлган эгалик ҳиссини оширади ва натижада ердан фойдаланувчилар тупроқ унумдорлигини ошириш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун инвестицияларни амалга оширадилар. Бугунги кунга қадар ердан фойдаланувчилар томонидан ерга инвестиция қилиш ва бу жараёни рағбатлантириш тизими ишлаб чиқилмаган.

Ердан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш муаммоси ишлаб чиқариш жараёнида кўзда тутилган тадбирлардан ташқари етиштирилган маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб бериш тизимида ҳам тегишли ўзгаришларни амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқ. Жумладан, экин турларини танлаш ва унинг ҳажми, нархи ва истеъмолчиларга сотиш жараёнида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг эркинлигини ошириш қисқа муддатли истиқболда катта самара бериши жаҳон тажрибасида кўплаб синалган. Чунки ишлаб чиқариш жараёнидаги чекловлар бир томондан, объектив равишда ерлардан фойдаланишнинг самарадорлигини ифодалаовчи кўрсаткичлар қийматининг пасайишига таъсир кўрсатса, иккинчи томондан, ишлаб чиқаришда рағбатлантириш омилини чеклайди. Албатта, ушбу омил макроиктисодий даражадаги тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлиб эркинлаштириш босқичида ўз ечимини топади.

3.2. Ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш истикболлари

Мамлакат қишлоқ хўжалигини жадал ривожланиш мазкур соҳада мавжуд барча ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга чамбарчас боғлиқ, чунки ер ресурслари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнида асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида тармоқ доирасида шаклланувчи барча иқтисодий-ижтимоий муносабатлар характерици белгилаб беради ва ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу сабабли, ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муаммолари аниқлаш, уларнинг ечимини топиш, ушбу йўналишдаги мавжуд имкониятлар ва истикболларни белгилаб олиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, Қашқадарё вилояти ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда вилоят миқёсида қисқа ва ўрта муддатларга мўлжалланган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Чора-тадбирлар мажмуасини вилоят миқёсида ишлаб чиқиш ва жорий этиш биринчидан, мазкур тадбирларни вилоятдаги барча ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга марказлашган тартибда таъсирини таъминласа, иккинчидан, ер ресурсларидан фойдаланувчи барча қишлоқ хўжалиги юритувчилари учун ягона қоидаларни жорий этилишини таъминлайди.

Шунингдек, жорий этилиши кўзда тутилган чора-тадбирлар мажмуаси доирасида жойларда хусусиятлардан келиб чиқиб маҳаллий тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш имконини беради. Демак, тадқиқот ишимиз натижаларидан келиб чиқиб, вилоятдаги ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг қуйидаги чора-тадбирларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз;

- мулк эгаларининг ишлаб чиқариш натижаларига эгалик қилиш ҳуқуқлари ўртасидаги боғлиқликни кучайтириш. Бунда рағбатлантириш тизими таъсирчанлигини ошириш имкониятларини кенг жорий қилиш;

- илғор суғориш технологияларини жорий қилишнинг амалий дастурларни ишлаб чиқиш ва қўллаш;

- ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш орқали унинг самарадорлигини оширишни таъминлаш;

- агротехника тадбирларини илмий асосланган тавсиялар бўйича олиб бориш ва унинг назоратини таъминлаш.

Юқорида вилоятда ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган санаб ўтилган чора-тадбирларга тўхталиб ўтсак.

Мулк эгаларини ишлаб чиқариш натижаларига эгалик қилиш ҳуқуқлари ўртасидаги боғлиқликни кучайтириш вазифасининг таҳлил этилаётган муаммонинг ечимига таъсир кўлами жуда кенг бўлиб, ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида, ишлаб чиқариш натижаларига эгалик қилиш ҳуқуқлари ўртасидаги боғлиқликни таъминлаш вазифаси ҳам турли йўналишларда амалга оширилиши кўзда тутилади:

- ер ҳуқуқларини изчил кафолатлаш;

- хўжалик юритишнинг янги, самарали шакллари изчил жорий этиш;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сотиб олиш ва нархлар сиёсатида эркинликларни таъминлаш;

- рақобат муҳитини таъминлаш.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги субъектлари ер мулкларини изчил кафолатланиши, энг аввало, жойларда маҳаллий ҳокимият органлари ва бугунги кунда эгалик қилаётган ер ресурслари ҳажми бўйича катта салоҳиятга эга бўлган ширкат хўжаликларини ўзбошимчалик билан ерларни қайтариб олишларига барҳам бериш лозим. Бунинг учун ер ресурсларини ундан фойдаланувчилардан фақатгина суд ҳукми бўйича қайтариб олиниши

ва бундан бошқа ҳолларда ер сўзсиз ва тўлиқ хўжалик ихтиёрида бўлишини вилоят миқёсида бажарилишини таъминлаш лозим. Мазкур масаланинг яна бир ечимларидан бири хўжалик юритувчиларнинг юридик саводхонлигини оширишга қаратилган қисқа муддатли ва долзарб ҳисобланган мулк муносабатлар бўйича ўқув курсларини ташкил этишдир. Бу эса, мулк эгаларини мавжуд қонунчиликда кафолатланган ҳуқуқларини суд тизими орқали изчил ҳимоя қилиш имконини оширишга хизмат қилади.

Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалигида хўжалик юритувчилар таркибининг таҳлили шуни кўрсатдики, бугунги кунда вилоятда нисбатан юқори самарали ҳисобланган деҳқон ва фермер хўжаликларининг вилоят ер ресурсларидаги улуши паст даражададир. Айниқса, ўрта товар ишлаб чиқарувчи ҳисобланган фермер хўжаликларининг вилоят ер фондидаги улуши анча паст бўлиб, атиги 8,2 фоизни ташкил этади. Ваҳоланки, фермер хўжаликлари бозор муносабатларига мослашуви ва самарадорликни таъминлаши жиҳатидан ширкат ва деҳқон хўжаликларидан анча устундир.

Шу сабабдан, бугунги кунда вилоятда биринчи навбатда фермер хўжаликлари тизимини кўллаб-қувватлаш, янги хўжаликларни ташкил этишнинг ташкилий-иқтисодий томондан кучли рағбатлантириш соҳада ердан фойдаланиш самарадорлигига сезиларли ижобий таъсир кўрсатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида бу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, ушбу фармоннинг 1-бандида шундай таъкидланади:

«Яқин йилларда фермер хўжаликлари барқарор ривожланишини таъминлашнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

- фермер хўжаликларининг тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлайдиган ва фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ер ресурсларидан мақсадли, оқилона ва

самарали фойдаланишни рағбатлантирадиган ҳуқуқий шарт-шароитлар ва кафолатларни яратиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришни молиялашнинг бозор тамойилларига жавоб берадиган ҳамда молиялашнинг услуб ва шакллари тизимини танлашда, молиявий маблағлардан фойдаланишда фермер хўжаликларининг мустақиллигини, барча харажатларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотишдан тушадиган ўз даромадлари ҳисобига қоплашни таъминлайдиган ишончли тизимини шакллантириш

- бозор шароитида бизнесни бошқариш кўникмаларига эга бўлган фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларини тайёрлаш тизимини яратиш;

- қишлоқда фермер хўжаликларининг эҳтиёжларига қараб барча зарур хизматларни кўрсата оладиган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш»¹².

Кўриниб турибдики, фермер хўжаликларида ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш борасида республикада ижобий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу муносабат билан Қашқадарё вилояти миқёсида маҳаллий фондлар маблағлари ҳисобига туманлар талабларидан келиб чиқиб қишлоқ хўжалиги консалтинг корхоналари тизимини яратиш ва уларни асосий вазифаси этиб янги ташкил этилган фермер ва бошқа самарали хўжалик юритувчиларга ҳар томонлама хизматлар кўрсатиш, деб қатъий белгилаш лозим. Ўз навбатида, мазкур корхоналар хизматларининг аванс йўли билан ёки имтиёзли шартларда фондлар ҳисобидан таъминланиши вилоят миқёсида сезиларли самара беради.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини контрактация асосида сотиб олиниши ва нархлар сиёсатида ҳам мулк ва унга эгалик қилиш

¹² Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш асослари. Т.:Фан, 2003. – 12-бет.

хукуқи ўртасидаги боғлиқликни кучайтиришга сезиларли ижобий таъсири кузатилмаяпти. Масалан, мавжуд тартибга кўра, қишлоқ хўжалиги субъекти режада белгиланган маълум улушдаги маҳсулотни давлат харид нархларида ва ортиқчасини эркин нархларда сотиши кўзда тутилган. Аммо, жойлардаги маҳаллий ҳукумат вакиллари маҳсулот топшириш кўрсаткичларини ўз манфаатлари йўлида ошириб кўрсатиш мақсадида хўжалик ихтиёридаги маҳсулотларни ҳам олиб қўйиш ҳоллари учрайди.

Кўпгина ҳолларда эркин сотишга мўлжалланган маҳсулотлар нархи ҳам давлат харид нархлари даражасида ёки сезиларсиз юқори нархларда сотиб олинмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалик корхонасининг рағбатини сўндирибгина қолмай, узоқ истикболда ер ресурсларидан самарали фойдаланишига салбий таъсир кўрсатади. Шу боис, вилоят миқёсида корхона ихтиёрида режадан ташқари маҳсулотларни мажбурий сотиб олишга чек қўйиш бугунги кунда амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалардан биридир.

Иккинчидан, режадан ташқари маҳсулотларнинг эркин сотилишини таъминлаш билан бирга унинг нархини ҳудуд бозорларида талаб ва таклиф таъсири остида шаклланган нархлар даражасига боғлиқлигини қатъий таъминлаш лозим. Монополистик фаолиятга қарши ва антимонополь сиёсат қўмитасининг жойлардаги бўлимлари бунинг устидан қатъий назорат ўрнатишлари лозим.

Мазкур чора-тадбирлар табиий равишда вилоятда рақобат муҳитини кучайтириб қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларида тенг ҳуқуқлилик, адолат ҳиссиётлари ва мулкка эгалик ҳуқуқларини кучайтириб вилоятда ер ресурсларидан фойдаланиш жараёнларига ижобий ўзгаришлар олиб киради.

Таклиф этилаётган чора-тадбирларнинг иккинчи гуруҳи - илғор суғориш усулларини жорий қилиш бўйича амалий дастурларни ишлаб чиқиш ва қўллаш бугунги кунда вилоят ҳудудий хусусиятидан келиб чиқиб ўз ечимини кутаётган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Маълумки, вилоят қишлоқ хўжалиги ерларининг аксарият қисми суғоришга мўлжалланган бўлиб, улар асосан анъанавий суғориш усулларида фойдаланиб суғорилади. Ваҳоланки, мутахассиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, суғоришнинг илғор усуллариининг жорий қилиниши сув ресурсларини 50-70 фоизгача тежаш имконини беради. Янги суғориш усулларида, айниқса, томчилаб суғоришдан мамлакатимиз ва шу жумладан, вилоятда тажриба тариқасида қўлланилганлиги унинг катта самара беришини кўрсатди. Ҳисоб-китобларга кўра томчилаб суғориш дастлаб катта молиявий харажатларни талаб қилсада, кейинги жорий харажатлар нисбатан паст бўлади Шу билан бирга томчилаб суғориш натижасида эришилган самара улкан иқтисодий, табиий ва экологик аҳамиятига эга.

Янги суғориш усуллариининг вилоятда кенг жорий этилиши катта ташкилий ва молиявий харажатларни талаб қилиши билан бирга қисқа муддатларда хўжалик юритувчиларнинг молиявий кўрсаткичларига салбий таъсир қилишини ҳам ҳисобга олиш лозим. Бунинг учун янги суғориш усуллариини жорий этувчи субъектлар фаолиятини рағбатлантиришни турли усулларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Улар жумласига янги суғориш технологиялари импортини вилоят миқёсида марказлашган ҳолда ташкил этиш, ускуналарни лизинг шартларида олишга кўмаклашиш, имтиёзли кредитлар ажратиш, аванс тўловларини ёки ускуна нархлари бўйича гаров қафолатларини вилоят миқёсида бериш каби тадбирларни киритиш мумкин.

Шунингдек, янги суғориш ускуналаридан фойдаланувчи мутахассисларни мақсадли тайёрлаш харажатларини вилоят миқёсида тайёрлов курслари ташкил этиш орқали қоплаш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Албатта, янги суғориш усуллариини кенг кўламда вилоят миқёсида ташкил этишда таклиф этилаётган чора-тадбирларда кўзда тутилган кўмак ва рағбатлантиришларнинг ўзи етарли бўла олмайди. Шунинг учун, вилоятда янги суғориш усуллариини жорий этишни молиялаштиришга ихтисослашган

мақсадли фондни тузиш мақсадга мувофиқ бўлиб, унинг ресурсларини тежалган сув ресурслари ҳисобига келадиган маблағлар, вилоятда мавжуд барча корхоналарнинг ихтиёрий тўловлари ва суғориш ишларини яхшилашга ажратилаётган марказлашган молиявий ресурслардан ташкил топишини белгилаб қўйиш лозим.

Ўз навбатида янги суғориш технологияларини изчил жорий қилган хўжаликлар учун тўлов имтиёзларининг жорий этилиши, режадан ортиқ маҳсулотларни юқори нархларда сотиб олиш орқали ушбу ресурсларни мақсадли равишда кредитларни қоплашга йўналтириш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Маълумки, вилоят ерларининг ҳудудий ўзига хослиги ҳам мавжуд. Шу сабабли янги суғориш усулларини жорий этишга мўлжалланган вилоят дастурида минтақавий хусусиятлар ҳам ҳисобга олиниши лозим.

Вилоятда янги суғориш усулларининг кенг жорий қилиниши ўз навбатида ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишда кўзда тутилган учинчи гуруҳ чора-тадбирлари - ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш вазифасини амалга оширишда ижобий шарт-шароитларни яратиб беради.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, вилоят ерларининг мелиоратив ҳолати асосан қониқарли бўлса-да, лекин мелиоратив аҳволи бузилган ерлар ҳудудий жиҳатдан нотекис тақсимланган.

Мелиоратив аҳволи ёмон ерлар асосан вилоятнинг чўл зоналарида катта улушга эга бўлиб, қолган ҳудудларда кам улушни ташкил қилади. Шундан келиб чиқиб, вилоят ерлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича махсус дастурларини ишлаб чиқишда минтақа ерларига табақалаштирилган услубда ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Вилоятда ерларнинг мелиоратив аҳволини кузатиб боровчи, унинг мониторингини ўтказувчи бўлинманинг ташкил этилиши ва туманларда уларнинг таянч пунктларини жойлаштириш бу борада оператив маълумотларни тўплаш билан бирга ерлар ҳолати динамикасини кузатиш,

ундаги тенденцияларни аниқлаш ва истиқболларини белгилаш имконини беради.

Вилоят мониторинг бўлинмаси маълумотлари асосида мелиоратив чора-тадбирларининг ҳар бир туман хусусиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги йўналишларда ташкил этилиши кўзда тутилади:

- ерларни суғоришни ташкил этиш билан боғлиқ тадбирлар;
- ерларнинг шўрини ювиш тадбирлари;
- тупроқнинг сифат таркибини тиклаш ва яхшилаш тадбирлари;
- ерларни шамол ва сув эрозияларидан муҳофазалашга мўлжалланган ихоталаш ва бошқа тадбирлар.

Юқорида айтиб ўтилганидек, вилоятда ерларни суғориш борасида жуда катта имкониятлар мавжуд бўлиб, ўз навбатида бу вилоят қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш истиқболлари юқори эканлигидан далолат беради. Чунки, сув танқислиги натижасида ердан фойдаланиш самарадорлиги нафақат пасаяди, балки тупроқ таркибида мунтазам кечаётган салбий жараёнлар ҳам тезлашади.

Ўз навбатида суғоришда йўл қўйилган сувнинг ортиқча сарфи ҳам тупроқ таркибида шўрланиш даражасини ортиб кетишига олиб келади. Демак, мониторинг бўлинмасига нафақат ерларни мелиоратив ҳолатини кузатиб бориш, балки тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш, истиқболдаги ривожланиш мақсадларидан келиб чиқиб ҳар бир туман доирасида суғоришнинг илмий асосланган меъёрларини ишлаб чиқиш, керакли ҳолларда унга тезкор ўзгартиришлар киритиш вазифалари ҳам юклатилиши лозим.

Мониторинг бўлинмаси кўрсатмалари ҳар бир қишлоқ хўжалиги юритувчилари томонидан амалга оширилиши жараёнини ҳам назоратга олиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида хўжаликлар, айниқса, қисқа муддатли ижара шароитида ишловчи субъектлар ерларнинг

мелиоратив ҳолати билан боғлиқ ҳар қандай қўшимча харажатларни амалга оширишдан манфаат кўрмайди.

Шўр ювиш тадбирлари асосан мавсумий бўлгани ҳолда ушбу жараёни тўлиқ ва ўз навбатида амалга оширишни юқорида келтирилган сабаларга кўра қатъий назоратга олиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса шўр ювиш тадбирларини тўлиқ амалга оширишни барча хўжаликларда ташкил этишни таъминлаб, вилоят ерлари тупроқ таркибини муттассил яхшиланишини таъминлаш билан бирга ердан фойдаланиш самарадорлиги истиқболларининг ижобий ўзгаришини таъминлайди.

Вилоятда шамол ва сув эрозиясига мойил ерлар харитаси мавжуд бўлиб, шунга биноан ихоталаш тадбирларини узоқ истиқболга мўлжалланган дастурларини иншлаб чиқиб уни қатъий бажарилишини назорат остига олиш лозим. Негаки, вилоятда бугунги кунда ихоталаш тадбирлари деярли амалга оширилмай қўйилган ёки айрим хўжаликлар миқёсидагина бажарилиши ўзининг чекланган кўламига кўра кўзда тутилган самарасини бермаяпти. Шундан келиб чиқиб, ихоталаш тадбирларининг комплекс равишда ташкил этилиши лозим эканлигини ва уни узоқ истиқболларни кўзда тутиб амалга ошириш лозимлигини дастурда қатъий белгилаб қўйиш шарт.

Кейинги йилларда вилоятда жорий ишлаб чиқариш режаларини бажаришга асосий эътиборни қаратиш натижасида амалга оширилаётган агротехника тадбирлари сифати бирмунча пасайди. Масалан, ширкат хўжалиги белгиланган режани бажариш мақсадида ерларни алмашлаб экиш тизимига амал қилмайдилар, сифатсиз ёки ер сифатини йўқотиш эвазига режани бажариш ҳоллари учрайди. Кўпгина ҳолларда агротехник тадбирлар кўзда тутилган муддатлардан анча кечиктирилиб ўтказилади. Бунда субъектив омилларнинг ҳам таъсири юқори бўлиб, улар экинларнинг ривожланиш жараёнларига салбий таъсирни кучайтиради. Бу эса ўз-ўзидан ердан фойдаланиш самарадорлигининг пасайишига олиб келади.

Бугунги кунда ҳал этилиши лозим бўлган энг муҳим масалалардан бири қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини такомиллаштиришдан иборат. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Қашқадарё вилоятининг кўпчилик туманлари ва хўжаликларида 80-85 фоиз суғориладиган экин майдонларида ғалла ва пахта экилмоқда, аммо ғалла ва пахтанинг алмашлаб экилиши тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш имкониятини бермаяпти. Бундан ташқари, балл-бонитети паст бўлган майдонларда ҳам фақат пахта ва ғалланинг жойлаштирилиши нафақат ер майдонларининг, балки бошқа ресурслар – сув, ўғит, ёнилғи мойлаш материалларидан фойдаланиш самарадорлигининг ҳам паст бўлишига олиб келмоқда.

Жойларда беда, дуккакли ва мойли экинлар экиш билан тупроқ унумдорлигини оширишга мутлақо эътибор берилмаяпти. Хўжалик раҳбарлари ва фермерларнинг эса бу соҳадаги ҳуқуқлари чеклаб қўйилган.

Шуни ҳисобга олиб, Қашқадарё вилоятида суғориладиган ерларда етиштирилаётган асосий қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ва ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- қишлоқ хўжалигида кейинги йилларда деярли издан чиқиб кетган илмий асосланган алмашлаб экиш тизимини жорий қилиш;
- мавжуд суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича кескин чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Бунинг учун мавжуд коллектор, дренаж ва зовурларни сифатли тозалаш ҳамда қайта таъмирлаш ишларини зудлик билан амалга ошириш керак;
- сўнгги йилларда суғориладиган ерларнинг катта қисмида пахта ва ғалла экинларидан паст ҳосил олинаётганлигини ҳисобга олиб, вилоят ҳудудлари бўйича, уларнинг табиий-иқлим, тупроқ ва сув шароитларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш масалаларини қайта кўриб чиқиш лозим. Бунда балл-бонитети 40 баллдан паст бўлган ерларда пахта ва бошоқли дон экинларидан паст ҳосил

олинаётганлигини инобатга олиб, ушбу экинларни балл-бонитети 40 баллдан юқори бўлган ерларга экиш мақсадга мувофиқ. Тупроқ унумдорлиги 40 баллдан паст, шўрланиш даражаси юқори ерларда уруғлик беда, кунгабоқар, оқ жўхори, ерёнғоқ, ширин мия ва шоли экинларини экиш самарали ҳисобланади.

Юқорида санаб ўтилган салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида вилоятда агротехника тадбирларини ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда илмий асосланган тавсияларини ишлаб чиқишни тегишли ваколатларга эга бўлган ягона марказга юклаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бизнинг фикримизча, мазкур таркибий тузилма сифатида вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси қошидаги вилоят ерларининг мониторинги бўлими ва унинг жойлардаги вакилларига топширилиши жараёни оқилона ташкил этиш имконини беради.

Ушбу бўлинма ўз илмий салоҳияти ва жалб этилган мутахассислар кўмагида ҳар бир туман хусусиятини ҳисобга олган ҳолда агротехника тадбирларининг илмий асосланган ва тўлиқ жараёнларини ишлаб чиқиш имконига эга бўлади. Натижада ушбу тавсияларни жойларда жорий этишнинг қатъий тартибда ташкил этилиши билан бирга маҳаллий хусусиятлар кўзда тутилиб жараённинг самарасини оширади.

Вилоятда агротехника тадбирларини ташкил этишда айниқса алмашлаб экиш ва барча тадбирларни белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминлаш долзарб аҳамият касб этади, чунки агротехника тадбирларининг бирор-бир бўғинида белгиланган муддат ва кетма-кетликнинг бузилиши бутун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнига салбий таъсир кўрсатиб, ердан фойдаланиш самарадорлигининг сезиларли даражада пасайишига сабаб бўлади.

Масалан, пахта теримини муддатидан кеч тугалланиши кузги шудгорни ёки кузги ғаллани табиий шарт-шароитлар асосида илмий асослаб белгиланган муддатларда орқага сурилишига олиб келади. Шўр ювиш

ишлари, ерга уруғ қадаш тадбирларининг кечикиши эса тупроқ сифатининг бузилишига ёки экинларнинг ривожланишда орқада қолишига сабаб бўлади. Демак, агротехника тадбирларини илмий асосланган тавсияларини нафақат ишлаб чиқиш, балки уларни амалга ошириш жараёнларини ҳам қатъий назорат остига олиш лозим. Бу эса вилоятда ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий шарт-шароитларини таъминлаб берувчи омил бўлади.

Экинларни оқилона жойлаштириш асосида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш

Бозор иқтисодиётининг умумий қонуниятлари ва жаҳон иқтисодиётида юз бераётган кенг қамровли ўзгаришлар ҳар бир ижтимоий-иқтисодий тизимнинг ўзига хос бўлган меҳнат тақсимотига, ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётининг даражаси ва уларнинг маълум тамойилларига асосланган ҳолда жойлашувига эга бўлади. Яъни, ижтимоий меҳнат тақсимотининг асосий шакли ишлаб чиқаришни жойлаштириш ҳисобланади.

Ижтимоий меҳнат тақсимоти барча тармоқларга, шу жумладан, қишлоқ хўжалигига ҳам тааллуқли. Бироқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар иқтисодий ва табиий тақрор ишлаб чиқариш жараёнларининг ривожланиш қонуниятларини ўзида акс эттиради. Айнан ушбу жиҳатлар тармоқда қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришга у ёки бу даражада таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг энг муҳим хусусиятларидан бири шуки, бу ерда, бир томондан, машина ва технологик ускуналар, иккинчи томондан, тирик организмлар: тупроқ, ўсимлик, чорва моллари ишлаб чиқариш жараёнида қатнашади. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигида меҳнат тақсимоти саноатдагидек амалга ошмайди. Бунда,

қишлоқ хўжалик экин турларини жойлаштиришда хўжаликларнинг географик жойлашиш ўрни ва майдони, геоморфологик-литологик тузилиши, гидрологик, иқлим шароитлари, гидромелиоратив тизимлари ва ер ости сувларининг ҳолати, энг аввало муайян тупроқ типлари ва мелиоратив гуруҳлари ҳамда уларнинг асосий хусусиятлари ҳисобга олинади.

Умуман, ишлаб чиқаришни жойлаштириш мамлакат, иқтисодий ҳудудлар ва алоҳида турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг географик нуқтаи назаридан ёки макон бўйича тақсимланиш жараёнини ўзида акс эттиради. Ҳудудларда алоҳида турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, яппи ва товар маҳсулоти ҳажмидаги улуши каби кўрсаткичлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини жойлаштиришни тавсифлайди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини табиий-иқтисодий ҳудудлар бўйича оқилона жойлаштириш маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва арзонлаштиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини оқилона жойлаштириш ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг ошишига олиб келади.

Экинларнинг ҳудудлар бўйича жойлаштирилиши алоҳида иқтисодий ҳудудлар бўйича ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви даражасини оширишга чуқурлашувига имкон яратади. Ишлаб чиқариш ихтисослашувининг чуқурлашуви эса тармоқда фан-техника тараққиёти натижаларини жорий этишга олиб келади. Ўз навбатида ихтисослашувнинг ривожланиши ишлаб чиқаришнинг ўсишувига ҳам сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатади.

Ушбу масалада Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек “Айни пайтда биз қишлоқ хўжалиги соҳасида биринчи навбатда тупроқ унумдорлигини ошириш чораларини кўриш, барча агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш, замонавий агротехнологияларни жорий қилиш, селекция ва уруғчиликни янада ривожлантириш, меҳнатни ташкил этиш ва

рағбатлантириш билан боғлиқ ҳали бери ишга солинмаган катта имкониятлар мавжудлигини ҳам эътироф этишимиз зарур”¹³.

Муҳтарам Президентимиз томонидан эътироф этилган ва юқорида қайд этилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда айтиш лозимки, кейинги йилларда республикамизда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш хўжалик субъектларидаги экинзорлар таркиби, уларнинг ихтисослашувига, табиий шароитига, тупроқ унумдорлигига, шунингдек маҳсулотларга бўлган талаб ва таклифнинг ўзгаришини ҳисобга олингани ҳолда ёндашилмоқда.

Шу билан бирга ушбу жараёнда алоҳида олинган экин турларининг республика ҳудудлари, вилоят ва туманларнинг географик жойлашуви, тупроқ-иқлим шароитлари ҳамда ишлаб чиқариш кучлари тараққиётини ҳисобга олингани ҳолда амалга оширилмоқда, дея олмаймиз. Чунки, кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш анъанавий равишда, яъни стратегик аҳамиятга эга бўлган пахта ва ғалла учун ажратилган ер майдонлари устун кўрсаткичларга эга бўлмоқда. Лекин, қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш жараёнида режага нисбатан бир мунча фарқланишлар мавжудлиги кузатилмоқда. Хусусан, 2010 йилда жами қишлоқ хўжалик экинлари таркибида пахта экин майдони режа бўйича 43,6 фоизни, ҳақиқатда эса 44,7 фоизни ташкил этган, ғалла экин майдони эса режа бўйича 37,5 фоизни, ҳақиқатда эса 36,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда эса мос равишда режа бўйича пахта - 45,6 фоизни, ҳақиқатда - 46,1 фоизни, ғалла экин майдонлари режа бўйича - 39,2 фоизни, ҳақиқатда - 39,6 фоизни ташкил этган.

2012 йилда эса мавжуд 3299,7 минг гектар суғориладиган экин майдонларининг 1352702 гектарига пахта, 1150529 гектарига ғалла, 65441 гектар сабзавот, 21835 гектар картошка, 19481 гектар полиз, 28936 гектар

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” рўзномаси.... январь, 2012 й.

мойли экинлар ва 326050 гектар озуқа экинлари жойлаштириш режалаштирилган.

Шунингдек, таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, республикамизда 2010 йилда мойли экинлар режадаги 29270 гектар ўрнига 27343 гектар ёки 1927 гектар кам, 2011 йилда эса режалаштирилган 30488 гектар ўрнига 21141 гектар ёки 9347 гектар кам экилган. Худди шундай озуқа экинлари режадаги 339146 гектар ўрнига 275857 гектар ёки 63289 гектар, 2011 йилда эса режадаги 341314 гектар ўрнига 237083 гектар ёки 10423 гектар кам экилган. Бундай ҳолатларни мева-сабзавот ва полиз экинларини жойлаштириш ва экиш жараёнларида ҳам кузатишимиз мумкин.

Юқорида қайд этилган маълумотлардан кўриш мумкинки, пахта ва ғалла экин майдонлари режадаги жойлаштириш кўрсаткичларига нисбатан ортиқ экилиши ва аксинча мойли, озуқа ва мева-сабзавот экинлари майдонларининг жойлаштириш режасига нисбатан кам экилмоқда.

Республикада ўзига хос салоҳиятга эга бўлган Қашқадарё вилоятида ҳам қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш борасида ҳам айрим камчиликлар мавжудлиги кўринмоқда. Жумладан, вилоятда пахта ва ғалла экинлари майдони барқарор ҳолда сақланиб қолгани ҳолда 2012 йил жойлаштириш режасида 2010 йилга нисбатан сабзавот экин майдонлари 11,6 фоизга, полиз 10,3 фоизга, озуқа экинлари майдони эса 6,5 фоизга камайган. Шунингдек, Ғузор туманида озуқа экинлари майдони 8151 гектардан 6728 гектарга ёки 17,5 фоизга, Шахрисабз туманида 3686 гектардан 4733 гектар ёки 12,0 фоизга камайган. Бундан ташқари 2010 йилда вилоятда 2000 гектар мойли экинлар экиш режалаштирилгани ҳолда унинг туманлар бўйича жойлаштиришда деярли барча туманларга тенг тарзда 200 гектардан айрим туманларда эса 50 ва 100 гектардан “тақсимлаб” қўйилган. Бизнинг фикримизча вилоятда кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришда вилоят ҳудудларининг ўзига хос жиҳатларини тўлиқ ҳисобга олинмагани ҳолда ёндошилмоқда.

Албатта бундай ҳолатни пахта ва ғалланинг стратегик аҳамиятга эга эканлиги, йилнинг келиши, яъни сув таъминоти ва ноқулай иқлим шароитлари каби сабаблар билан изоҳлаш мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялаш масалаларига катта эътибор қаратилаётганлиги, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришда мойли ва мева-сабзавот экинлари майдонларини кўпайтириш республикамиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва экспорт имкониятларини кейгайтиради. Озуқа экинлари эса ушбу мақсадларни таъминлашда асосий ўринга эга бўлган чорвачиликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратади.

Республика қишлоқ хўжалигида экинларни жойлаштириш, чекланган ер майдонларидан янада самарали фойдаланишни таъминлаш учун бизнинг фикримизча, қуйидаги масалаларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- аграр соҳа тармоқларида фан-техника тараққиёти натижаларини жорий этиш имкониятларини кенгайтириш имкониятларини ошириш;
- республика ҳудудлари бўйича ихтисослашув даражасини янада чуқурлаштиришни назарда тутиш;
- қишлоқ хўжалик экинларининг ўзаро чамбарчас боғлиқлигини ва бир-бирининг ўрнини босиши мумкинлик эҳтимоллигини ҳисобга олиш;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши шароитида механизация воситаларини қўллаш, кимёлаштириш, интенсивлаштириш омилларини ҳисобга олиш;
- алоҳида олинган тармоқларда фан-техника тараққиёти машина, махсус техника ва технологик ускуналарга бўлган талабидан келиб чиқиш;
- қишлоқ хўжалик экинларининг маълум турлари жойлаштирилган ҳудудлардаги қишлоқ хўжалик корхоналарининг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлашни назарда тутиш;

- ҳудуднинг ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурслари билан таъминланганлик ҳолатлари;

- жойлаштирилган экин майдонларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, ички ва ташқи бозорларда сотиш бўйича инфратузилмаларнинг мавжудлиги каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Қашқадарё вилоятида ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг ҳудудий муаммолари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари қуйидаги хулосаларга келиш ва таклифлар ишлаб чиқиш имконини берди:

1. Қишлоқ хўжалигида ер бошқа асосий ишлаб чиқариш воситаларидан бир қатор хусусиятлари билан фарқ қилади:

- бошқа барча ишлаб чиқариш воситалари инсонлар меҳнати маҳсули ҳисобланса, ер табиат инъомидир;

- ерни бошқа ишлаб чиқариш воситалари сингари техник нуқтаи назардан мукамалроқ ишлаб чиқариш воситасига алмаштириб бўлмайди. Ер ресурсларидан фақат у жойлашган жойда фойдаланиш мумкин, холос;

- ер ресурслари маконда чекланган ва унинг юзасини кенгайтириш имконияти йўқ;

- алоҳида ер участкалари ўз унумдорлигига кўра бир хил эмас. Баъзи ер участкалари озуқа моддаларининг кўплиги билан ажралиб турса, бошқалари намлик билан яхшироқ таъминланган, яна бошқалари эса умуман ўзига хос тупроқ таркибига эга;

- ердан оқилона фойдаланилганда унинг сифати пасаймайди, балки мунтазам ошиб боради.

2. Ерлардан оқилона фойдаланиш ва унинг унумдорлигини доимий тарзда ошириб бориш ягона ер кадастри асосида ерларнинг миқдори ва сифатини ҳар томонлама ҳисобга олишни ташкил этишни тақозо этади. Давлат ер кадастри ерларнинг ҳуқуқий режими, ер эгалари ва ер тоифалари бўйича уларнинг тақсимланиши, шунингдек, ер ресурсларининг сифат тавсифлари ва қимматлари тўғрисидаги зарурий маълумотлар ва ҳужжатлар тизимини ўзида акс эттиради.

Ерни миқдор жиҳатидан ҳисобга олиш уни ер турлари ва ердан фойдаланувчилар бўйича мавжудлиги ва тақсимланиши даражасини

аниқлашни кўзда тутди. Лекин ердан тўғри ва оқилона фойдаланиш учун уни миқдор жиҳатдан ҳисобга олишнинг ўзи етарли эмас. Шу боис, ерни сифатини ҳисобга олиш катта қийинчиликлар билан боғлиқ бўлсада, лекин мақсадга мувофиқ жараён деб қаралади.

Ернинг иқтисодий баҳолаш услуби экинларни амалдаги ҳосилдорлиги ва уларни етиштиришга кетган харажатлар тўғрисидаги камида охириги беш йилдаги оммавий маълумотларга асосланади. Ишлаб чиқаришнинг мослаштирилган таркиби шароитида тупроқнинг агроишлаб чиқариш гуруҳлари бўйича баҳолаш кўрсаткичлари суғориладиган ва мелиорация тадбирлари амалга оширилмаган ерларда алоҳида равишда ҳисобланади.

3. Ислохотлар йилларида Қашқадарё вилояти ер фондининг тақсимланишида юз берган ўзгаришларни таҳлил қилиш натижалари қуйидаги хулосаларга келиш имкониятини беради:

- Қашқадарё вилояти ер фондининг 97,6 фоизидан асосий ишлаб чиқариш фондлари сифатида фойдаланилади. Бошқача сўз билан айтганда, вилоятда мавжуд ерларнинг асосий қисми қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ерлари ҳисобланади. Бу вилоят қишлоқ хўжалик салоҳиятининг юқорилигидан ва географик жиҳатдан жойлашувининг ўзига хослигидан далолат беради;

- мустақиллик йилларида вилоят ер фондининг умумий ҳажми сезиларли даражада ўзгармаган бўлса-да, унинг таркибида бирмунча ўзгаришлар юз берди. 1990-2013 йилларда қишлоқ хўжалиги ерларининг умумий ҳажми 36,2 минг гектарга ёки 1,4 фоизга қисқарди. Бу қисқариш ўрмон хўжалиги, аҳоли пунктлари, саноат, транспорт, муҳофаа ва бошқа мақсадлар учун белгиланган ерларнинг ҳам мутлақ, ҳам нисбий миқдорда ўсганлиги билан боғлиқ. Хусусан, 17,8 минг гектарга ёки 6,7 фоизга, аҳоли пунктлари ерлари 8,7 минг гектарга ёки 33,3 фоизга ўсди;

- қишлоқ хўжалиги ерларининг жами ер майдонидаги улуши туманлар бўйича бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади (Қарши шаҳрида 27,5 фоиздан Ғузор туманларида 89,5 фоизгача). Бундай тафовутнинг мавжудлиги

туманларнинг ҳудудий хусусиятлари, хусусан, уларнинг урбанизациялашганлик ва ўрмон хўжалиги ерлари билан таъминланганлиги, аҳолининг зичлик даражаси ва ерларнинг рельеф тузилиши билан боғлиқ;

- Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалик ерлари таркибини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, унинг қисми яйлов ва пичанзорлар ҳиссасига тўғри келади. Мазкур турдаги ерларнинг жами қишлоқ хўжалиги ерларидаги салмоғи 1990 йилда 68,6 фоизни ташкил қилган бўлса 2013 йилга келиб бу кўрсаткич 67,4 фоизга тенг бўлди. Вилоят қишлоқ хўжалигида ҳайдаладиган ерлар ўзига хос муҳим эга бўлиб, унинг жами қишлоқ хўжалиги ерларидаги улуши 30 фоизни ташкил қилади. Ҳайдаладиган ерларнинг 1990 йилда 62,1 фоизи, 2013 йилда эса 62,7 суғориладиган ерлар ҳисобига тўғри келди;

- суғориладиган ерларнинг ҳайдаладиган ерлар ҳажмидаги салмоғи вилоят туманлари бўйича бир-биридан фарқ қилиб, бу, энг аввало, туманларнинг ўзига хос географик, табиий-иқлим ва ҳудудий шароитларига боғлиқ. Хусусан, Миришкор, Нишон, Касби каби туманларда суғориладиган ерларнинг жами ҳайдаладиган ерлардаги улуши 100 фоизни ташкил қилса, Деҳқонобод, Чироқчи, Қамаш, Яккабоғ каби туманларда ҳайдаладиган ерларнинг асосий қисмини лалми ерлар ташкил этади;

- ислохотлар йилларида вилоят қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги шакллари пайдо бўлди ва қишлоқда мулкдорлар синфи шакллана бошлади. Бунинг натижасида ердан фойдаланувчиларнинг таркиби тубдан ўзгарди. Хусусан, 2000-2013 йиллар давомида жамоа ва ширкат хўжаликларига бириктирилган ерлар ҳажми 6,9 фоизга ошган бўлса, суғориладиган ерлар ҳажми 23,1 фоизга қисқарган. Айни вақтда фермер ва деҳқон хўжаликлари тасарруфидаги ерлар ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлган. Хусусан, таҳлил қилинаётган йиллар давомида фермер хўжаликларига ажратилган ерлар ҳажми 4,8 мартага, шу жумладан, суғориладиган ерлар ҳажми 4,6 мартага ўсган бўлса, деҳқон хўжаликларида бу кўрсаткичлар мувофиқ равишда 1,2 ва 1,1 мартага ошган.

5. Қашқадарё вилояти туманларида ерларни сифати бўйича таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, суғориладиган ерлар бўйича энг юқори балл бонитети Шахрисабз (72 балл) туманида кузатилади. Балл бонитетига суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражаси, ер ости сувларининг жойлашиши каби омиллар таъсир кўрсатади. Ушбу омилларнинг салбий таъсири кам бўлган Яккабоғ (60 балл), Касби (64 балл) ва Қамаш (58 балл) туманларида ҳам вилоят ўртача кўрсаткичидан юқори натижага эришилган.

Айни вақтда Дехқонобод (41 балл), Муборак (41 балл), Нишон (46 балл) ва Косон (49 балл) туманларида балл бонитети вилоят ўртача кўрсаткичидан паст. Бунинг энг асосий сабаби шундан иборатки, ушбу туманларда ўртача, кучли ва жуда кучли шўрланган ерларнинг жами суғориладиган экин майдонидаги улуши нисбатан юқори даражададир.

6. Ерларни сифат жиҳатдан тавсифловчи кўрсаткичлардан бири унинг шўрланганлик даражаси ҳисобланади. Қашқадарё вилоятида 2013 йилда 497,7 минг гектар суғориладиган экин майдони бўлиб, шунинг 51,4 фоизини шўрланмаган, 33 фоизини кучсиз шўрланган, 12,0 фоизини ўрта шўрланган ва 3,6 фоизини кучли шўрланган ерлар ташкил этди.

7. Ерларнинг шўрланганиш даражаси туманлар бўйича бир-биридан фарқ қилади. Юқори тупроқ сифатига эга бўлган ерларнинг асосий қисми тоғ ва тоғ олди ҳудудларида жойлашган туманлар - Шахрисабз, Яккабоғ, Китоб, Қамаш, Дехқонобод туманларига тўғри келади. Мазкур туманларда шўрланмаган ерларнинг салмоғи юқори даражада сақланиб қолмоқда ёки олиб борилаётган мелиоратив ва агротехника тадбирлари таъсирида янада яхшиланмоқда.

Вилоятдаги иккинчи гуруҳ туманларда эса тупроқ сифатини муттасил ёмонлашуви оқибатида кейинги йилларда салбий тенденциялар яққол кўзга ташланади. Ушбу тенденциялар, энг аввало янги ўзлаштирилган ва асосан

пахта етиштиришга ихтисослашган Миришкор, Муборак ва Нишон туманларига хосдир.

Ислохотлар йилларида ушбу туманларнинг барчасида тупроқ сифатининг ёмонлашуви жараёнлари кучайганлигини, ўрта шўрланган ва кучли шўрланган ерлар улуши муттасил ошганлигининг гувоҳи бўламиз.

Тупроқ сифатининг ўзгариш тенденциясига қараб қолган туманларни учинчи гуруҳга бирлаштириш мумкин. Мазкур гуруҳнинг асосий хусусияти шундаки, бу туманларда ўрта ва кучли шўрланган ерлар улуши нисбатан юқори бўлсада, уларнинг барқарор даражада сақланиб туриши ёки сезиларсиз даражада ўсиши кузатилади.

8. Вилоят ер ресурслари сифатини тиклаш учун, бизнинг фикримизча, қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- алмашлаб экиш тизимини амалда кенг жорий этиш;
- уруғчилик ва селекция ишларини тупроқ сифатини тикловчи ва унга зарар келтирмайдиган йўналишларга қаратиш;
- экинларни оптимал ўғитлаш ва бунда илмий асосланган, минтақа хусусиятларидан келиб чиқиб меъёрларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;
- илғор ирригация технологияларини қўллаш;
- ерларга ишлов беришни замонавий услубларига эътиборни қаратиш;
- ёпиқ-ётиқ дренажлар ўтказиш ва очик зовурлар қозиш;
- яхоб сувлари бериш, ерости сизот сувларини ва шўрланиш даражасини пасайтириш ва ҳоказолар.

Бизнинг фикримизча, фермер хўжаликларида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун қуйидаги чора тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- фермер хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи хизмат кўрсатиш тизимини бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш.

- фермер хўжаликларига ажратиб берилаётган ерлардан фойдаланишда, экинлар таркибини танлашда қонунчиликда кўзда тутилган эркинликларни тўлиқ таъминлаш;

- ердан фойдаланиш самарадорлигини оширганлиги ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаганлигидан фермер хўжаликларининг манфаатдорлигини ошириш;

- фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш;

- фермерларнинг билим ва касбий тайёргарлигини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш ва бошқалар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ҳукукий-меъёрий ҳужжатлар

1.1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1.1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2008. – Б. 40.

1.1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси” //Солиқ тўловчи журнали. 1998. - №7-8. – Б.12.

1.1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кадастри тўғрисида”ги Қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – Т. – 1998.

1.1.7. Ўзбекистон Республикаси Қонуни “Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислохотлар чуқурлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2009 й., 52-сон, 17-54 б.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар

1.2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ 3342-сонли Фармони. //Халқ сўзи. 2003 йил 28 октябрь.

1.2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги “Қишлоқ таракқиёти ва фаравонлиги Давлат дастури” тўғрисидаги ПФ-1046-сонли фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил 5-сон, 4-34 бетлар.

1.2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 мартдаги ПҚ-817-сон “2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори. //Халқ сўзи. 2008 йил 20 март.

1.2.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 октябрдаги “Сув хўжалигини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги 320-сонли қарори.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари ва маърузалари

1.3.1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари – Т.: «Ўзбекистон», 1993. - 56 б.

1.3.2. Каримов И.А. Деҳқон тараққиёти – фаровонлик манбаи. – Т.: Ўзбекистон, 1994.

1.3.3. Каримов И.А. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётининг асосий тамойиллари. – Т: Ўзбекистон, 1995.

1.3.4. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти - тўкин ҳаёт манбаи. – Т.: Ўзбекистон, 1998.

1.3.5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.

1.3.6. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида – Т.: “Ўзбекистон”, 2008. – 368 б.

1.3.7. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

1.3.8. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009. - 56 б.

1.3.9. Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан самарали фойдаланиш - бизнинг асосий йўналишимиз. Президент И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2002 йил 15 феврал.

III. Китоблар ва монографиялар

3.1. Беляев А.В. Использование основных и оборотных средств сельского хозяйства в рыночных условиях. М.: Издательство МСХА. 1994. – 229 с.

3.2. Борисенко Е.Н. Продовольственная безопасность России: проблемы и перспективы. - М.: Экономика, 1997. – 349 с.

3.3. Горганов С.А., Назаренко Н.Т., Попов Ю.Ю. Основы рыночных отношений в сельском хозяйстве. Воронеж. 1996. —489 с.

3.4. Грубый В.А. Механизм формирования и использования материальных ресурсов в сельском хозяйстве. – М.: Издательство РУДН, 1997. – 368 с.

3.5. Добрынин В.А. Экономическая эффективность сельскохозяйственного производства в условиях перехода к рыночным отношениям. – М.: Издательство МСХА, 1994. – 527 с.

3.6. Заводчиков Н.Д. Основы предпринимательской деятельности в АПК. – М., 1994. – 357 с.

3.7. Киселев С.В. Государственное регулирование сельского хозяйства в условиях переходной экономики. М. Институт экономики РАН. 1994. – 179 с.

3.8. Коваленко Н.Я. Развитие рыночных отношений в сельском хозяйстве: тенденции и проблемы. Учебное пособие. М.: Издательство МСХА. 1996. – 198 с.

3.9. Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства. С основами аграрных рынков. Курс лекций. – М.: Ассоциация авторов и издателей. ТАНДЕМ: Издательство ЭКМОС, 1999. – 448 с.

3.10. Коваленко Н.Я., Сорокин В.С. Сельскохозяйственные рынки. М.: МСХА. 1998. – 428 с.

3.11. Макроэкономические проблемы переходного периода в Узбекистане. //Под ред. Муллажанова Ф.М. Т.: Мир экономики и права, 1998.- 383 с.

3.12. Макконнелл К., Брю С. Экономикс. - Бишкек, Туркистон, 1998-399 с.

3.13. Назаренко В.И., Попцов А.Г. Государственное регулирование сельского хозяйства в странах с развитой рыночной экономикой. – М.: Информагробизнес, 1996. – 186 с.

3.14. Основы теории переходной экономики. //Под ред. Киселевой Е. Киров: Кировская областная типография, 1996. - 320 с.

3.15. Петренко И.А., Чуженков П.И. Экономика сельского хозяйства. Алма-Ата: Койнар, 1988. – 358 с.

3.16. Петраков А.В. Специфика сельского хозяйства и современная аграрная реформа в России. – М., 1995. – 256 с.

3.17. Попов Н.А. Экономика сельского хозяйства. – М.: Издательство «Дело и сервис», 2000. – 368 с.

3.18. Попов Н.А. Экономика отраслей АПК. – М.: ИКФ «ЭКМОС», 2002. – 368 с.

3.19. Попов Н.А. Организация сельскохозяйственного производства. – М.: Финансы и статистика, 2000. – 320 с.

3.21. Проблемы экономического роста и структурной политики в Узбекистане. //Под ред. Абдурашидова Б.А. Т.: 1995. - 165 с.

3.22. Радугин Н.П. Радикальная экономическая реформа в Российской Федерации и продовольственная безопасность страны. – М., 1996. – 247 с.

3.23. Трейси М. Сельское хозяйство и продовольствие в экономике развитых стран: введение в теорию, практику и политику. /Пер. с англ. – СПб.: Экономическая школа, 1995. – 584 с.

3.24. Тухлиев Н.Т., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана, - Т.: Ўқитувчи, 2000,- 368 с.

3.25. Тўхлиев Н.Т. Ўзбекистон иқтисодиёти. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”, 1998, - 268 б.

3.26. Терехов А.Б. Свобода торговли: анализ опыт зарубежных стран. М.: Экономика, 1991.- 190 с.

3.27. Харитонов Н.С. Организационные основы фермерских хозяйств. М.: Информагротех, 1996. – 228 с.

3.28. Шумпетер Й. Теория экономического развития. М.: Прогресс, 1982.

3.29. Хусанов Р.Х. Аграрная реформа: теория, практика, проблемы. Т.: Узбекистан, 1994. - 72 с.

VI. Статистик тўпламлар ва маълумотномалар

**Қашқадарё вилояти туманларида 2013 йил ҳосили учун пахтачиликда ҳосилдорликни белгилашда эришилган
Н А Т И Ж А Д О Р Л И К**

№	Туманла р номи	Ф/х лар сони	Камайиш					Кўпайиш				
			ф/х сони	май- дони, га	ялпи тонна	ц/га	Камайиш сабаблари	ф/х сони	май- дони, га	ялпи тонна	ц/га	Кўпайиш сабаблари
1	Ғузор	323	179	6313,5	310,0	0,49	Сугориш қудуқларининг носозлиги, техника ва ишчи кучи камлиги, электр насос билан сугорилганлиги, ф.х ларнинг иқтисодий ҳолати ҳисобидан	69	2065,3	310,0	1,50	Ерларнинг мелиоратив ҳолати ва сув таъминоти яхшиланганлиги, янги техникалар олинганлиги, қўшқатор схемада экиш белгиланганлиги ҳисобидан
2	Қарши	574	266	8662	1139,3	1,32	Шўрланган майдонларнинг кўплиги, электр насослари билан сув олинганлиги ва балл бонитети пастлиги ҳисобидан	277	7293,2	1139,3	1,56	Янги техника қўшилганлиги, томорқа ерларини алмаштириш, зовур ва коллекторларни қазилганлиги ва кўп йиллик дарахтзорларни бузиш ҳисобидан
3	Косон	579	256	11546,0	272,2	0,24	Ер майдонларининг манбадан узоклиги сабабли, ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлиги, ишчи кучлари ва техниканинг етарли булмаганлиги, сугориш тармоқларининг таъмирталаб эканлиги сабабли	273	13254,0	272,2	0,21	Сув таъминоти яхшиланганлиги, янги техника воситалари билан таъминланганлиги, экиш схемаси куш катор экилиши сабабли
4	Қамаши	459	73	1595,0	414,6	2,60	Сув таъминоти оғирлиги, кишлоқ хўжалиги техникаси етишмаслиги ҳамда ф/х ларининг иқтисодий аҳоли ҳисобидан	335	6588,8	414,6	0,63	Янги техника қўшилганлиги, томорқа ерларини алмаштириш, зовур ва коллекторларни қазилганлиги ва кўп йиллик дарахтзорларни бузиш ҳисобидан
5	Миришк ор	628	259	10238,0	1399,3	1,37	Ишчи кучи камлиги, сув таъминоти оғирлиги, ерларнинг мелиоратив ҳолати шўрланган, электр насослари билан сугорилиши ҳисобига	252	9187,0	1399,3	1,52	Янги техника қўшилганлиги, томорқа ерларини алмаштириш, зовур ва коллекторларни қазилганлиги ва кўп йиллик дарахтзорларни бузиш ҳисобидан
6	Муборак	225	125	6015,0	459,8	0,76	Шўрланган майдонларнинг кўплиги, сув таъминоти оғирлиги, ишчи кучи етишмаслиги, электр насослари билан	84	3627,0	459,8	1,27	Янги техника қўшилганлиги, томорқа ерларини алмаштириш, зовур ва коллекторларни

							сув олинганлиги ва балл бонитети пастлиги ҳисобидан					қазилганлиги ва қўп йиллик дарахтзорларни бузиш ҳисобидан
7	Нишон	590	307	12393,0	1733,0	1,40	Шўрланган майдонларнинг қўплиги, сув таъминоти оғирлиги, ишчи кучи етишмаслиги ва балл бонитети пастлиги ҳисобидан	253	8576,0	1733,0	2,02	Мелиоратив ҳолати яхшиланганлиги, завурлар тозаланганлиги, хайдов ва чопик тракторлари сотиб олинганлиги, сув таъминоти яхшиланганлиги
8	Касби	664	239	8825,0	993,4	1,13	Насос орқали сугориш, мелиоратив ҳолати ёмон, сув йўналиши оғир, ишчи кучи кам, техникаси йук	372	13475,0	993,4	0,74	Ерларни мелиоратив ҳолати яхшиланганлиги, сув йўлларини таъмирланиши, янги техникалар олиниши ва тулик контур ҳосил қилиш
9	Чироқчи	666	149	3584,0	774,4	2,16	Сув таъминоти оғирлиги, кишлоқ хўжалиги техникаси етишмаслиги ҳамда ф/х ларининг иқтисодий аҳоли ҳисобидан	246	5001,0	774,4	1,55	Янги техника сотиб олиш, деҳқон хўжалиги ва қўп йиллик ҳосилсиз боғларни ва қўп йиллик дарахтзорларни бузиш ҳисобидан
10	Шахриса бз	191	47	1296,2	547,8	4,23	Сув йўлларининг оғирлиги, тоғолди паст текис сугориш оғир бўлган, дарё узунда жойлашган сизот сувлари қўтарилган, электр насослар орқали сўғориладиган майдонлар ҳисобидан	136	3449,5	547,8	1,59	Озуқа майдонларини пахта майдонларига алмашлаб экиш, эски боғларни бузиш, зовур ва коллеторларни тозалаш, электр насосларни таъмирлаш ва қўшимча ўрнатиш ҳамда янги техникалар ҳисобидан
11	Яккабоғ	262	76	2210,0	322,2	1,46	Техника етишмаслиги, сув таъминоти оғирлиги, тоғолди пасттекис бўлган, дарё ўзанида жойлашганлиги, электр насослари билан сўғорилиши ҳамда ф/х ларининг иқтисодий аҳоли ҳисобидан	62	3075,0	322,2	1,05	Янги техникалар қўшилганлиги, томорқа ерларини алмаштириш, сугориш насосларни таъмирлаш, эски боғларни бўзиш, канал ва ариқларни тозалаш ҳисобидан
жами:		5161	1976	72678	8366,0	1,15	X	2359	75592	8366,0	1,11	X

**Кашкадарё вилояти туманлари ҳудудларидаги фермер хужаликларининг 2010-2013 йилларда пахта
хосилдорлиги ва 2014 йилга таклифлари
Т А Х Л И Л И**

№	Туманлар номи	2011 йил			2012 йил			2013 йил			Ўртача 3 йиллик			2014 йилга таклиф		
		Режа	Амалда	Фарқи (+-)	Режа	Амалда	Фарқи (+-)	Режа	Амалда	Фарқи (+-)	Режа	Амалда	Фарқи (+-)	Экин майдони (га)	Хосил- дорлик ц/га	Ялпи хосил тонна
А	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
1	Ўзгор	20,0	18,1	-1,9	20,0	10,1	-9,9	20,0	18,6	-1,4	20,0	15,6	-4,4	10500	20,0	21000
2	Қарши	29,1	25,1	-4,0	29,1	20,7	-8,4	29,1	27,2	-1,9	29,1	24,3	-4,8	16500	29,1	48000
3	Косон	27,3	25,7	-1,7	27,3	18,0	-9,3	27,3	28,9	1,6	27,3	24,2	-3,1	24800	27,3	67800
4	Қамаши	28,7	27,3	-1,4	28,7	18,3	-10,4	28,7	28,9	0,2	28,7	24,8	-3,9	9000	28,7	25800
5	Миришкор	23,5	22,7	-0,8	23,5	14,0	-9,5	23,5	22,9	-0,6	23,5	19,9	-3,6	23000	23,5	54000
6	Муборак	23,6	24,4	0,7	23,6	18,0	-5,7	23,6	22,9	-0,7	23,6	21,8	-1,9	10150	23,6	24000
7	Нишон	22,9	19,3	-3,6	22,9	13,6	-9,3	22,9	22,0	-0,9	22,9	18,3	-4,6	21850	22,9	50000
8	Касби	29,3	25,6	-3,7	29,3	17,6	-11,7	29,3	25,1	-4,3	29,3	22,8	-6,6	22300	29,3	65400
9	Чироқчи	23,3	19,8	-3,5	23,3	13,8	-9,5	23,3	20,5	-2,8	23,3	18,0	-5,3	10300	23,3	24000
10	Шахрисабз	32,0	31,5	-0,5	32,0	24,5	-7,5	32,0	28,0	-4,0	32,0	28,0	-4,0	5000	32,0	16000
11	Яккабўғ	30,0	29,4	-0,6	30,0	23,7	-6,3	30,0	28,8	-1,2	30,0	27,3	-2,7	7000	30,0	21000
Жами		26,0	23,8	-2,2	26,0	16,7	-9,3	26,0	24,8	-1,2	26,0	21,8	-4,2	160400	26,0	417000

Туманлар номи	Ф/х лар сони	Камайиш				Кўпайиш			
		ф/х сони	май-дони, га	ц/га	Камайиш сабаблари	ф/х сони	май-дони, га	ц/га	Кўпайиш сабаблари
Касби	664	239	8825,0	1,13	Насос оркали сугориш, мелиоратив ҳолати ёмон, сув йуналиши оғир, ишчи кучи кам, техникаси йук	372	13475,0	0,74	Ерларни мелиоратив ҳолати яхшиланганлиги, сув йулларини таъмирланиши, янги техникалар олинishi ва тулик контур ҳосил килиш
Ўзор	323	179	6313,5	0,49	Сугориш қудуқларининг носозлиги, техника ва ишчи кучи камлиги, электр насос билан сугорилганлиги, ф.х ларнинг иқтисодий ҳолати ҳисобидан	69	2065,3	1,50	Ерларнинг мелиоратив ҳолати ва сув таъминоти яхшиланганлиги, янги техникалар олинганлиги, қўшқатор схемада экиш белгиланганлиги ҳисобидан
Чироқчи	666	149	3584,0	2,16	Сув таъминоти оғирлиги, кишлоқ хўжалиги техникаси етишмаслиги ҳамда ф/х ларининг иқтисодий аҳоли ҳисобидан	246	5001,0	1,55	Янги техника сотиб олиш, деҳқон хўжалиги ва қўп йиллик ҳосилсиз боғларни ва қўп йиллик дарахтзорларни бўзиш ҳисобидан
жами:	5161	1976	72678	1,15	X	2359	75592	1,11	X

